



Келажакка кулиб қара, кичкинтой

ХИЁНАТ КЕЧИРИЛМАЙДИ

Ҳар бир инсон болалигида-ноқ шу жамият ичида яшайди. Унинг келажакда қандай инсон бўлиб етишиши биринчи навбатда оиладаги муҳитга боғлиқ. Таълим ва тарбия иккинчи даражали ишга айланган оилда ориятсиз, виждонсиз инсонлар етишиб чиқади. Вақт келиб улар ҳеч қандай жиноятдан тап тортмайдиган кимсаларга айланади. Бундай кимсалар ўз оиласига, дўстига, қолаверса, Ватанига ҳам хиёнат қилишдан уялмайди.

2- саҳифа

СУД ҚАРОРИНИ КИМ БАЖАРАДИ?

Ўрол Бобоқулов туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи курсисини эгаллагач, босартусарини билмай қолди. Қўл остидаги ходимларни назарписанд қилмай қўйди.

3- саҳифа

ҲАЁТБАХШ ЎЗГАРИШЛАР

Ярашув жараёнининг моҳияти шундаки, агар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс ўз қилмишининг оқибатларини тушуниб етиб, етказилган зарарни бартараф этиб, жабрланувчи билан ярашса, жиноий таъқиб қилиш тугалланади.

11- саҳифа

БОБОНИНГ НАБИРАСИ

Мархумни кетидан ёмонлаш, ёлғон гапириш, фол очиш дуруст эмаслигини яхши билган сўзловчининг сўзлаш иштиёқи устун келади-да, ваҳимали ҳикоясини бошлайди...

12- саҳифа

РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасида Марказий маҳкаманинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, тезкор ходимлари иштирокида навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Азимжон Эргашев бошқарди.

— Ўзингизга маълум, Олий Мажлиснинг иккинчи қақирқ олтинчи сессиясида жиноий жазоларни либераллаштириш масаласи ижобий ҳал қилинганлиги ҳуқуқий соҳада туб бурилиш ясади, — деди А. Эргашев. — Ана шу талаблардан келиб чиқиб, биз ҳам ишимизда

ижобий ўзгаришлар қилишимиз керак.

Йиғилишда Республика Бош прокурори ўринбосари П. Бобожонов «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳусусида маъруза қилди.

Йиғилиш иштирокчилари кодексларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

(Ўз муҳбиримиз.)

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va Toshkent

viloyati prokuraturalari,

«Qonun himoyasida»

jurnali

Bosh muharrir:

Abdusolliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,

Komiljon Ismoilov,

Dilshod Isломov

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Shavkat Yodgorov

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Muxtor Shodmonov,

Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.**Reklama va e'lonlar:**

77-68-67, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalariga
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 1949
Nusxasi — 15475

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00

Bosmaxonaga
topshirildi 19.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:

N. NISHONOV**Navbatchi: N. MAHMUDOV**

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

● ЎЗ УЙИНИНГИ ЎЗИНГ АСРА

ХИЁНАТ КЕЧИРИЛМАЙДИ

— Омон ака, сиз узок йиллардан
буён прокуратура тизимида ишла-
ясиз. Иш жараёнида кўплаб воқеа-
ларнинг гувоҳи бўлагансиз. Кат-
та-катта жиноят ишларини тер-
гов қилгансиз. Жиноятларнинг туб
илдизи жамиятга қилинган хиё-
натга бориб тақалмасмики?

— Гапингиз жуда тўғри. Меним-
ча жамиятдаги барча фожеалар-
нинг туб илдизи хиёнатда деса
бўлади. Оилада хиёнат юз берса,
рўзгордан кут-барака кетиб, охи-
р-оқибатда оила барбод бўлади. Би-
рон ташкилотнинг раҳбари аён
билдирилган ишонччи суиесте-
мол қилиб, халқ ҳақида хиёнат қил-
са эл олдида шармандаю-шарми-
сор бўлади. Бу бор ҳақиқат. Хиё-
нат ҳақида яқинда эшитган бир
ривоятни эслатиб ўтмоқчиман.

Бир хотиннинг биттагина сиви-
ри бор экан. У хотин жуда факир ва
шу сивирининг сутини сотиб кун
кўраркан. У кўп пул топишни орзу
қилар, шу сабабдан сутга сув
қўшиб сотаркан. Ойлар, ойлар ке-
тидан йиллар ўтаверибди. Кунлар-
дан бир кун каттиқ бўрон бўлиб,
сел келибди. Ҳамма ёқни сув бо-
сиб, дарёлар қирққондан тошибди.
Жўшқин дарёдан кечиб ўтаётди,
сутчи хотиннинг сивиги сува-қўчиб
кетибди. Сутчи хотиннинг йўғлай-
вериб кўзалари шишибди. Онаси-
нинг даҳида-войини кўрган ўғил: —
Она, она, нега йўғлайсиз? Нега
йўғли сўт-қатигингизнинг суви сел
бўлиб, сивиримизни оқизиб кет-
ди-ку, — дебди.

Бу бир ривоят. Аммо унда чуқур
маъно яширинган. Бировлар ҳақида
қилинган хиёнат вақт келиб жа-
вобсиз қолмайди.

— Кейинги пайтларда бозор-
ларда харидор ҳақидан уриш оддий
ҳалга айланиб бормоқда. Ўнг қизиги,
айрим фуқароларимиз бозорга бо-
ришдан олдин уйдан тарози билан
чиқаётган бўлишди.

— Оғир гуноҳлардан бири таро-
зидан уриб қолиш эканлиги ҳақида
муқаддас китобларимизда кўп бор
қайд қилинган. Бировларнинг ри-
зқи-насибасидан ўмариб қолиш

Мустиқиллик йилларида юртбошимиз Ислам Каримовнинг сая-
ҳатлари ва ташаббуси билан ватанимиз озодлиги ва истиқ-
лоли учун жон фидо этган, миллатни ҳуррият ва эркинликка
қорлаган, шўро тузуми даврида қатагон бўлган минглаб фидойи
инсонлар хотирасини абадийлаштириш борасида кўп эзгу ишлар
амалга оширилди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув соҳилида бунёд
этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси эндиликда
кўтулғ қадамжойга айланганлиги ҳар биримизнинг кўнглимизда
фахр ва ифтихор туйғулариини уйғотади.

Илк бор, шу йилнинг 31 август
куни жамоатчилигимиз мазкур
ёдгорлик мажмуасида мустабид ту-
зум даврида зулм ва зўравонлик
қурбони бўлган ватандошларимиз
хотирасини ёд этди.

Қатагон... Бу сўз замирида мил-
лати, дини, этноқоди, ёши, жинси,
мансаби ва дунёқарашидан қатъий
назар ноҳақ айбланиб жабр тор-
ган минглаб инсонларнинг фожеа-
ли қисматлари, киндик қонлари
тўқилган ватанидан узок ўлкалар-
га сургун қилинган, темир панжа-
ралар ортда хору-зор қилинган,
ҳақоратланган тақдирлар ётади.

Яқин ўтмишдаги қатагонлар ўз
домига нафақат шу даврнинг илг-
ор зийлиларини, балки сиёсатдан
узок бўлган кўплаб оддий киши-
ларни ҳам тортиб кетганлиги аён

ЗАФАРБОД ТУМАНИ ПРОКУРОРИ, АДЛИЯ МАСЛАҲАТЧИСИ ОМОН ХУДОЙҚУЛОВ БИЛАН СУҲБАТ

одам ўлдириш билан тенг гуноҳ-
дир. Афсуски, жамиятимизда одам-
лар ҳақидан қўрқмайдиган диён-
атсиз кимсалар кам бўлса-да, учраб
туради. Ана шундай виждонсиз ким-
салар туфайли бозорларимиздаги
барақага путур етмоқда. Сиз таъ-
кидлаганингиздек, кўпгина сотув-
чиларга, деҳқонларга нисбатан
ишончсизлик пайдо бўлди. Хари-
дор ҳақида хиёнат қилинган жойда
кут-барака бўлмайди.

Сўзимнинг исботи учун бир ми-
сол келтириб ўтмоқчиман. Яқинда
туман судида Жарқинбек Сапарбе-
ковнинг жиноят иши кўриб чиқил-
ди. У 1998 йили туманимиз мар-
казидаги 24-дўконга мудир қилиб тай-
инланган. 513 минг сўмдан зиёд
маҳсулотларнинг пулини ўз ман-
фаати йўлида ишлатиб юборган.
Бир сўз билан айтганда, давлат
мулкига хиёнат қилган. Судда Жа-
рқинбек ўз айбиға тўлиқ иқро-
р бўлди.

Суд ҳукмидан бир неча сатрни
келтирмоқчиман. Суд Ж.Сапарбе-
ковга жазо тайинлашда унинг
муқаддам судланмаганлигини,
оилада ёлғиз боқувчи эканлигини,
келтирган зарарларни тўлиқ қоп-
лаганлигини инобатга олди. Мод-
дий зарарни ундириш мумкин-
дир, аммо оила аъзолари чеккан маъна-
вий зарарни пул билан ўлчаши қий-
ин.

Афсуски, Жарқинбекка ўхшаш
айрим кимсалар озгина имконият
бўлиши биланқ ўз вазифаларига
хиёнат қилиб, давлатнинг милли-
онлаб сўмлик маблағларини ўзлаш-
тирмоқда.

— Хиёнатни кечирса бўладими?

— Хиёнат ўз номи билан хиёнат.
Ҳар биримиз ҳаётда ёрига, дўстига
ёки ватанига хиёнат қилган кимса-
ларни учратганмиз. Ўтмишга муро-
жаат қилаётган бўлсак, Бобурушх
ўлими олдиндан фарзандларига
шундай дейди: «Бу ёруғ оламда

Ватандин улғурок нимарса йўқдур.
Бу дардди ўз бошидан кечирган
инсонгина билур. Аммо, бойлик
дардинда менинг юртимга қилич
кўтариб борсангиз, мен мазорим-
да тик турурман. Гуноҳларнинг энг
оғири Ватанга хиёнатдир».

Бобурушх фарзандларининг ўз

юртига қилич кўтариб боришини
Ватанга хиёнат деб билган. Вата-
нига хиёнат қилган одам ҳар қан-
дай пасткашликдан ҳам қайтмай-
ди.

Ўзбекистон Президенти Ислам
Каримовнинг Афғонистон воқеа-
лари муносабати билан берилган
баёнотида Ўрта Осиёдан чиққан
бир қанча жангарининг Шимолий
Афғонистон иттифокига қарши
уруш олиб бораётгани ҳақида ало-
ҳида таъкидлаб ўтилди. Тилга
олинган жангарилар қалбиди на
диёнат ва на виждон бор. Ватан
тўйғусидан маҳрум бўлган бу хиё-
наткорлардан нафақат биз, балки
дунё ахли нафратланмоқда. Ўз
юртига ёмонлиқни раво кўрган
кимсаларни ҳеч қим кечирмайди.

— Ана шундай ватанига хиё-
нат қилган инсонлар шақлан-
ишда оиланинг, қолаверса, жам-
иятнинг ҳам айби бор. Тўғрими?

— Бу фикрингизга қўшиламан.
Француз мутафаккири Ж.Руссо-
нинг тарбия ҳақида бир гапи бор.
«Тарбия деганларни гарчи яхши хис-
латларни ўз ичига олса-да, мен
ундан энг аввало, хиёнатга йўл
қўйдиган одамларни тарбияламас-
ликни талаб этган бўлардим».

Ушбу ҳикматга изохнинг ҳолати

йўқ деб ўйлайман.

Ҳар бир инсон болалигиданқ
шу жамият ичиди яшайди. Унинг
келажақда қандай инсон бўлиб
етишиши биринчи навбатда оила-
даги муҳитга боғлиқ. Таълим ва
тарбия иккинчи даражали ишга
айланган оилада орянтсиз, виж-
донсиз инсонлар етишиб чиқади.
Вақт келиб улар ҳеч қандай жино-
ятдан тап тортмайдиган кимса-
ларга айланади. Бундай кимсалар
ўз оиласига, дўстига, қолаверса,
Ватанига ҳам хиёнат қилишдан
уялмайди.

Суҳбатдош:
Гулнора ХАМРОЕВА

ОГОҲЛИК — БОШ МАСАЛА

Наманган вилоят прокуратура-
сида қонунчиликни таъминлаш,
ҳуқуқ-тартиботни мустақкамлаш
борасида олиб борилаётган иш-
ларнинг 9 ойлик якунига бағиш-
ланган хайъат мажлиси бўлиб ўтди.
Уни вилоят прокурорининг 1-ўрин-
босари Б.Саидов олиб борди. Маж-
лисида вилоят прокуратурасининг
таркибий тармок раҳбарлари, бар-
ча шаҳар ва туман прокурорлари
иштирок этди. Мажлисида фуқаро-
ларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаат-
ларини ҳимоя қилиш, қонун усту-
ворлигини таъминлаш борасида
амалга оширилиши лозим бўлган
ишлар билан бирга АҚШ ва Буюк
Британия томонидан халқро терроризмга қарши Афғонистон худ-
дида олиб борилаётган ҳарбий
ҳаракатларга муносабат билдирил-
ди. Бу борада юртбошимиз раҳ-
барлигида Ўзбекистонда олиб бо-
рилаётган сиёсат прокуратура идо-
ралари ходимлари томонидан маъ-
қуллади. Мажлис қатнашчилари
терроризмга қарши курашиш ҳар
бир соғлом фикрли одамнинг жам-
ият олдидаги, ўз Ватани олдида-
ги бурчи эканлигини таъкидлади-
лар. Шунингдек, бу борада проку-
ратура идоралари ходимлари зим-
масида жуда катта масъулият бор-
лиги, одамларни ҳушёрликка, огоҳ-
ликка даъват этишда, вилоятда иж-
тимоий-маънавий муҳитни соғлом-
лаштиришда уларнинг роли бе-
қиёс эканлиги ҳақида гапирдилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон
Республикаси Бош прокуратура-
сида ишлаб чиқилган маъруза та-
лабларини бажаришга ҳар бир
прокуратура ходими масъул экан-
лиги ўқитиб ўтилди.

А.МАДАТОВ,

«Хуқуқ» муҳбири

Моҳият

Судья
гапирадиган
қонун,
қонун эса
гапирмайдиган
судьядир.

ЦИЦЕРОН

ганлигини, кейинчалик 1942 йил-
да Харьков оstonасидаги оғир
жангларнинг бирида ярадор ҳолат-
да, ҳарбий қисм таркибидида душ-
манга асир тушиб қолганлигини,
1944 йилда асирликдан қочиб со-
вет қўшинлари таркибига қўшил-
ганлигини, улар билан биргаликда
Латвия, Польша ва Европанинг

ган жиноят иши архивдан қидириб
топилиди ва ҳарбий трибуналнинг
ҳукми ўша пайтда амалда бўлган
қонун талабларига қай даражада
мос келганлиги юзасидан синчков-
лик билан, батафсил ўрганиб чи-
қилди.

Мана ўша НКВД томонидан «яра-
тилган», йиллар ўтиши билан сар-

● ХОТИРА УЙОНСА ГЎЗАЛ

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

бўлмоқда.

Ўша машъум йилларнинг оғир
қисматини кўплар қатори Жамо-
лиддин Ёқуббоев ҳам ўз бошидан
кечирган эди.

Ўзбекистон Республикаси ҳар-
бий прокуратурасига Наманган ви-
лоятининг Уйчи туманида яшовчи,
86 ёшли Жамоллиддин ота Ёқуббоев
ариза билан мурожаат қилиб, 1939
йили барча юртдошлари қатори
ҳарбий хизматга чақирилганлиги-
ни, Иккинчи жаҳон уруши бошла-
ниб қолиб дастлаб Финляндия, Бес-
сарабияга қарши жангларда қана-
ш

бошқа бир қатор мамлакатларини
озод қилишда қатнашиб, Берлин
шаҳригача борганлигини, совет
ҳукумати томонидан бир қанча
орден ва медаллар билан муко-
фотланганлигига қарамай 1950
йили НКВД томонидан «Ватан хо-
ини» деб қамоққа олиниб, ҳарбий
трибунал томонидан 25 йил му-
ддатга озодликдан маҳрум этил-
ганлиги ҳақида маълум қилиб, ай-
бисизлиги туфайли оқлашни сўра-
ган эди.

Шу муносабат билан Жамоллид-
дин Ёқуббоевга нисбатан юридил-

гайиб, титила бошлаган, турли хил
маълумотномалар тикилган жино-
ят иши.

У орадан 51 йил ўтганидан сўнг-
яна жонлангандай бўлди.
Жиноят иши ҳужжатларини бир-
ма-бир варақлашни бошлаганинг
сари юрт ҳимоясида бўлган бир
ўзбек фарзандининг ноҳақ жабр-
ланганлигига ачинасан киши, кўз
ўнгинда беихтиёр ўша уруш йил-
ларининг даҳшатли кунлари гава-
ланади.

(Давоми 5-бетда)

● БИР ХАТ ИЗИДАН

СУД ҚАРОРИНИ КИМ БАЖАРАДИ?

Ўрол Бобокулов Шўрчи туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи курсисини эгаллаган, босар-тусарини билмай қолди. Қўл остидаги ҳодимларни назар-писанд қилмас, арзимаган сабаблар билан уларни ҳақорат қиларди. Энг ёмон, у инсоф ва адолатни унутди.

Бобокулов ўзига ёқмаган ҳодимларни асоссиз равишда вазифасидан бўшата бошлади. Натижада улардан бир ғуруҳи — бошқарманинг деҳқончилик бўлими бошлиғи Н.Мавлонов, иқтисодий масалалар бўйича бошлиғи муовини Х.Қурбонов, механизация бўлими бошлиғи У.Юсупов, ҳисоб ва молия бўлими бошлиғи Р.Эшқобилов, 1-тоифали муҳандис М.Ҳожимуродов, котиба Д.Хуррамова фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига «Ишга тиклаш ва иш ҳақини ундириш ҳақида» даъво аризаси билан мурожаат қилишди.

Кизиғи шундаки, даъвогарларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 1-бандига асосан, аниқроқ қилиб айтишдан бўлсак, иш ўрни қисқартirilганлиги муносабати билан вазифасидан озод этилган. Аслида эса улардан бирортасининг ҳам иш ўрни қисқартirilмаган, Лавозимларнинг номи бир оз ўзгартirilган бўлса-да, амалда баҳариллаётган иш моҳияти ўзгаришмаган. Шу боис бу вазифаларга бошқа кишилар тайинланган. Улар ҳозирги пайтда ҳам фаолият кўрсатиб келишапти.

Яна бир ажабланиarli ҳолат: айнан юқорида номи тилга олинган ҳодимларни ишдан бўшатиш учун бошқарма қасаба уюшмасининг розилиги олинмаган. Судда гувоҳ тариқасида кўрсатма берган қасаба уюшма раиси А.Абдураулов буни очик-ойдин эътироф этган.

Жавобгар таъриф эса даъвогарларнинг ишдаги айрим камчиликларини рўқча қилишдан нарига ўтолмаяпти.

Суд юқоридагиларни инобатга олган ҳолда шу йил 18 июль кунги даъвогарлар даъвосини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Афсуски, Бобокулов шундан сўнг ҳам ўз билганидан қолмайди. Суднинг ҳал қилув қарорини баҳариллашдан бош тортди. Даъвогарлар эса фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига қайта-қайта қатнаб, ҳал қилув қарорини ижро этишни сурайверишди. Ниҳоят, 28 август кунги катта суд ижроҳисси Ҳамро Қақулов ва суд ижроҳисси И.Тоиров келиб, шу масалада Бобокуловга урчадиладилар. Уни суднинг тегишли ҳал қилув қарори билан таништиришди.

— Қонун талабига кўра даъвогарларни ўз вазифасига тиклаш ва уларга бекор юрган қунарни учун иш ҳақи тўлаш лозим, — дея тушунтирмоқчи бўлишди.

Бирок Бобокулов уларнинг гапини эшитишни ҳам истамайди. — Менинг сизлар билан гаплашишга вақтим йўқ, — дейди у. — Суднинг қарорини ҳам тан олмайман.

Суд ижроҳисси бу ҳақда ҳолис гувоҳлар иштирокида далолатнома тузмокчи бўлишди.

— Сенлар менинг хонамда далолатнома тузмайсан. Қерак бўлса ёзувчиювининг ташқарида қил, — дея ўдағайлади Бобокулов.

Суд ижроҳисси ҳам анюй эмас. Улар ўз бурчларини баҳараверишди. Шундан кейин бошлиқ суд қарорини баҳармаслик мақсадидида далолатнома имзо чекишдан бош тортди, ишхонадан чиқиб кетди.

Суд ижроҳисси эртаси кунги яна Бобокулов ҳузурига келишди. Ва яна бир бор қонун талабини тушунтиришга уриниб кўрадилар.

— Ҳўжатларни ҳодимлар бўлимига қолдириб кетинглар. Мен кейин қўриб чиқаман, — дейди бошлиқ пинагина бўзмай.

— Бу Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган ҳал қилув қарори. Уни дарҳол ижро этиш талаб қилинади.

— Шунча кутдиларинг, яна қутасизлар.

— Суд қарорини қасдан баҳармаган мансабдор шахс Жиноят Кодексининг 232-моддасига асосан жавобгарликка тортилиши мўмкин.

— Мен далолатномага қўл қўймайман.

У ўз айтганини қилди. Суднинг ҳал қилув қарори яна ижро этилмай қолди.

Кейинчалик бошлиқнинг биринчи ўринбосари З.Соатов имзоси билан даъвогарларни ишга тиклаш тўғрисида (унда иш ҳақининг ундирилиши ҳақида умуман гап-сўз йўқ) номинида бирўқ чиқарилган. Лекин у амалда баҳарилмай қолаверди.

Даъвогарлар яна судга мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Ўз наъбатидида суд ижроҳисси 15 сентябрь кунги яна бошқармага келишди. Яна далолатнома тузилади. Ўшандан бўён ҳам орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Даъвогарлар эса ҳозирга қадар ишсиз юришибди. Уларнинг вазифасини кейин ишга тайинланган ҳодимлар баҳариб келишатири.

Чуқки уларни ишдан бўшатиш ҳақида бирўқ чиқарилмаган.

— Бошлиқнинг кўрсатмасига асосан бирўқ ижросини амалда баҳар-майман, — дея тан олишдан ўзга илоҳи қолмади З. Соатовнинг.

Шикоят аризасини ўрганиш мақсадидида бошқармага борганимда ноҳўш ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Бобокулов тасодифан қабулхонасидида турган ариза муаллифларини қўриб қолди.

— Сенлар нима қилиб турибсанлар? — деди уларга.

Тўғриси, унинг бу қилимишдан мен хижолат чекдим. Ноқўлай аҳволга тушаркансан киши.

— Мен суд қарорини баҳармайман. Агар сизнинг қўлингизда бўлса — баҳаринг, — деди у менга ҳам дангал.

Бошқарма маъмурий биносига қараверишда, катта-катта ҳарфлар билан ҳўқуқий-демократик давлат қуришининг Президент Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган беш асосий тамойили ёзиб қўйилган. Унда жумладан қонуннинг ҳамма нарсасдан ўстуворлиги, унга барча қатъий бўйсунмоғи лозимлиги қайд этилган. Мамлакатимизнинг Асосий Қонунида эса «Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва дахлсиз ҳўқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деб таъкидланган.

Ҳўш, бу гаплар Бобокуловга тегишли эмасми? Фуқаролар шаъни ва қадр-қимматини оёқости қилишга унинг нима ҳақси бор? Наҳотки, бу жанобни қонунни ҳўрмат қилишга мажбур қилишининг иложи бўлмаса?

Жабрланувчиларнинг талаб-эътироз битта: суднинг ҳал қилув қарори қачон амалда ижро этилади?

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,

«Ҳўқўқ»нинг Сурхондарё вилояти бўйича махсус муҳбири

«Ҳўқўқ» ПОЧТАСИДАН

ТАҲРИРИЯТ ЖАВОБ ОЛДИ

Мен 33 йил муаллимлик қилдим. Айни пайтда нафақадаман. Уч нафар фарзандим бор. Ёлғиз онаман. Сизларга мактуб битишимдан мақсад, катта қизим Одила болалиқдан II гуруҳ ногирони. Унинг қўзи ожиз. Қизим 4500 сўм нафақа оларди. Мана, қарийб бир йилдики, нафақаси тўхтаб қолди. Сабаби уни ўз вақтида тегишли қўриқдан ўтказолмадим.

Ўтган йили вилоят ТМЭК аъзоларидан қизимга бир умрлик нафақа тайинлашларини илтимос қилгандим. Бирок, улар негадир турли баҳоналарни рўқча қилиб, пайсалга солишди.

Дард келса қўшалоқ келади, деганларидек қизим икки йилдики, «тўтқанок» қасалига ҳам мўбтало бўлди. Шифокорлар «Бензонал» таблеткасини тавсия этишди. Дори яхши ёрдам берди. Фақат уни ҳар кун ичиб туриш керак. Фалон пул турадиган бу дорининг бир пачкаси бир ҳафтага етмайди. Ўзим 7822 сўм пенсия оламан.

Аҳволимни баён қилиб кишлоқ фуқаролар йиғинига мурожаат этдим. Бирок улар қўриб-билиб туриб ёрдам беришмади.

Ҳўрматли таҳрирят ҳодимлари!

Сизлардан илтимос, ушбу мактубимни газетангизда босиб чиқарсангиз. Шояд мутасадди кишилар менинг аҳволим билан қизиқишса.

Назира ЁҚУБОВА,

Хоразм вилояти, Шовот тумани,

«Хоразм» ширкат ҳўжалиги

Ушбу мактуб юзасидан таҳрирят Хоразм вилоят прокуратурасидан кўйндагича жавоб хати олди:

Хоразм вилоят прокуратураси Шовот тумани «Хоразм» ширкат ҳўжалигидида яшовчи Н.Ёқубованинг таҳририятга ёзган аризаси юзасидан текшириш ўтказди.

Текшириш давомида Хоразм вилоят итхисослашган кўз касалликлари марказий тиббий меҳнат эксперт комиссияси аъзолари билан биргаликда О.Ёқубова яшаб турган хонадонга бориб, тиббий ҳўжатлар асосида бемор тиббий қўриқдан ўтказилди ва унга комиссия ҳўлосасига кўра 2-гуруҳ ногиронлиги ўмрбод белгиланди ҳамда нафақа тайинланди.

Шунингдек, текшириш давомида ариза муаллифи Н.Ёқубованинг моддий ёрдам сўраб ўзи яшаб турган «Чўқли» кишлоқ фуқаролар йиғинига мурожаат қилмаганлиги аниқланиб, унга моддий ёрдам тайинлаш учун зарур ҳўжатларни илова қилган ҳолда кишлоқ фуқаролар йиғинига мурожаат қилиш тушўнтрилди ва кишлоқ фуқаролар йиғини томонидан унинг оиласига жорий йилнинг 4-чорағида моддий ёрдам тайинлаш белгиланди.

Бўндан ташқари, ширкат ҳўжалиги бошқаруви томонидан Республика мўстақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида Н.Ёқубованинг оиласига моддий ёрдам берилди.

Ариза муаллифи Н.Ёқубовага текшириш натижалари ҳақида хабар берилди.

Д.ИСРОИЛОВ,

Хоразм вилоят прокурори,

адлия катта маслаҳатчиси

«СУД ҚАРОРИ БАЖАРИЛМАЯПТИ»

«Ҳўқўқ», 37-сон, 2001 йил

Текширишда аниқланишича, фуқаро О.Ўрозалиева 2000 йил 20 июнда Беруний туманидаги «Қиётобод» ДФХУ билан ипак курти боқиб бўйича 5 йилга шартнома тузган. Ўша йили 80 кг. пилла топширгани учун 13825 сўм меҳнат ҳақи олган. 2001 йилги пилла мавсумида ипак курти сабабсиз берилмагани учун норози бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суднинг 2001 йил 5 июндаги ҳал қилув қарори билан О.Ўрозалиеванинг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилган. Унинг фойдасига жавобгар «Қиётобод» ДФХУдан 37000 сўм ундирилган.

2001 йил 3 сентябрь кунги жавобгарнинг тўлов топшириқномасига асосан 37000 сўм пул Беруний тумани Халқ банкига ўтказилган ҳамда О.Ўрозалиева 7 сентябрь кунги ушбу пулни олган.

И.ЖАСИМОВ,

Республика Бош прокуратурасининг судларда фуқаролик

ишлари қўрилишида прокурор ваколатини

таъминлаш бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси

4000 СЎМ О СЎМГА АЙЛАНИБДИ

Ҳўрматли таҳрирят аъзолари!

— Сизларга бир муаммо бўйича мурожаат этмокдаман. Мен фарзандларимни 1981, 1985, 1988, 1989 йиллари берилган сўгурта гувоҳномалари билан сўгурта қилдирган эдим. Ҳар бир сўгурта учун ўз вақтида 1000 сўмдан тўланганман. Бирок сўгурта муддати тугагач, Давлат сўгурта бошқармаси томонидан мазкур маблағлар тўланмади.

Мен бир неча марта Сўгурта агентликлари бошқармасига мурожаат қилдим, улар инфляция туфайли мазкур сўгурта нолга тенг бўлиб қолганилигини айтишиб, тўлашдан бош тортдилар. Аммо ўз вақтида оиламиз бюджетидан чегириб, биз тўлаган маблағлар ҳозирги шароитда индексация қилиниб, тўланиши керак.

Ушбу масалада бизга ёрдам беришингизни сурайман.

Мунаввар ИЗЗАТУЛЛАЕВА,

Наманган шаҳри, 4-Темирйўл

кўча, 1-Берк кўча, 4-уй

«ТААЖЎБДАМИЗ»

«Ҳўқўқ», 30-сон, 2001 йил

Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига даъвогар Т.Тошевнинг Узун тумани ҳокимиятига нисбатан «ишга тиклаш ва иш ҳақини ундириш ҳақида»ги фуқаролик иш қўриб чиқилиб, 2001 йил апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво қасман қаноатлантирилган. Яъни, Узун тумани Ж.Эшмирзаев номи ширкат ҳўжалиги умумий вақиллар йиғилишининг Т.Тошеви вазифасидан озод этиш тўғрисидаги қарори бекор қилиниб, Т.Тошев ҳўжалик бошқаруви раислиги ишга тикланган.

Суднинг мазкур қарорига нисбатан Узун тумани прокурори томонидан вилоят судига 2001 йил 19 апрель кунги апелляция тартибидида протест киритилган.

2001 йил 10 кунги ширкат ҳўжалигидида вақиллар йиғилиши бўлиб, Т.Тошевини ишга тиклаш масаласи қўйилган, лекин номзад 43 фойз овоз олганлиги сабабли ҳўжалик бошқаруви раиси вазифасига тикланмаган.

14 сентябрь кунги фуқаролик иш апелляция тартибидида қўрилди. Узун тумани прокурорининг протести қаноатлантирилиб, фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро суди чиқарган қарор бекор қилинди.

Ф.БОЙЗОҚОВ,

Сурхондарё вилоят

прокурорининг 1-ўринбосари,

адлия катта маслаҳатчиси

КЕЧ БЎЛСА-ДА...

Шаҳрихон шаҳри «Мўстақиллик» кўчасидида 4-уйда истикомат қилувчи Гулнора Тўйчиеваннинг уни Мўса Жалил кўчасидида 2-уй 12-хонадонга киритиб қўйиш масаласи пайсалга солинаётганлиги тўғрисидаги аризаси ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатдан ҳам фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро суди 2001 йил 24 апрель кунги судья М.Каримов раислигида аризачини бир боласи билан унинг даъвогарлиғидида, Л.Тўйчиева ва Ҳ.Умрзоқов жавобгарлиғидида Мўса Жалил кўчаси 2-уй 12-хонадонга киритиб қўйиш ва хонадонни ҳада этиш шартномасини бекор қилиш ҳақидаги фуқаролик ишини қўриб чиқиб, даъвои қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган.

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг раиси А.Мадрохимов 2001 йил 4 августдаги 17-346 сонли хати билан ушбу қарор ижросини тўхтатган. Кейинроқ А.Мадрохимов 2001 йил 28 август кунги 4-Ф-278/492 сонли хати билан қарорни уздик билан ижро қилиш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро судига топшириқ берган.

Шунга кўра суд ижросини Ш.Ғуломов томонидан 2001 йил 4 сентябрь кунги суд қарори тўла ижро қилинган.

Т.САЙДАҲМАТОВ,

Шаҳрихон туманлараро

прокурори,

адлия катта маслаҳатчиси

Р. С. Мақола босмага тайёрланаётган пайтда муҳбиримиз Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди мазкур фуқаролик ишини апелляция тартибидида қўриб чиқганини ва туман фуқаролик судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш қолдириш тўғрисида ажрим чиқарганини маълум қилди.



— Мавжуда опа, маълумки, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, халқаро стандартларга мос миллий қонунларимизни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам бу борадаги ишларнинг давоми, тўғрими?

— Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки қунарданок, мустабид тузум асоратларидан холи бўлган янги ўзбек миллий давлатчилигини яратиб беришди. Мамлакатимизда ўн йил давомида ўзига хос ва мос ўзбек модели асосида миллий давлатчилигимиз шаклланиб, тақомиллашиб бормоқда. Инсоният цивилизацияси тарихи шундан далолат берадики, бирон-бир даврда ёки ижтимоий тузумда алоҳида бир давлат ўзича ривожланиб, юксалмаган. Албатта, дунёнинг у ёки бу бурчадаги рўй берган силжишлар иккинчи бир давлатга ёки бутун бир минтақага таъсир этмасдан қолмаган. Шарқ ва Ғарбдан бунга кўп мисоллар келтириш мумкин.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари қаторида суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ислохотлар ўтказишга зарурат борлиги сезилди. Шунинг учун ҳам Президентимиз: «Мустақилликка барҳам берилгандан сўнг миллий давлатчилигимизни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни йилдан-йилга тақомиллашиб бормоқда. Нисбатан қисқа вақт ичида эркин бозор иқтисодиёти таъминлашга асосланган демократик давлатнинг Конституцион, ҳуқуқий ва амалий асосларини яратишга муваффақ бўлинадиган» деб таъкидлаган эди Олий Мажлиснинг биринчи чакриқ XIV сессиясидаги маърузаларида. Кайд этиш жоизки, давлат бош ислохотчи сифатида суд-ҳуқуқ тизимида бошланган ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган исло-

● МУНОСАБАТ, МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФ

хотларнинг пировард мақсади қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолатга асосланган эркин ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга эришишдир.

Маълумки, суд мустақиллигини таъминлашга хизмат қилувчи «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳиятда янги таҳрирда қабул қилинган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги ижобий ишлардан бири ҳисобланади, десак хато қилмаймиз. Энг муҳими, умумий юриспруденция судлари ихтисослаштирилди. Юқори судларда апелляция инстанциясининг жорий этилиши

тааллуқли янги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Яқин орада судлар таркибида фаолият кўрсатаётган суд ижрочилари ажралиб чиқади.

— Президентимиз Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаги маърузасида: «Судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқарашини ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгаряпти», дея таъкидлаган эди. Сизнингча, улар тафаккури ва дунёқарашини бойитиш учун нима қилиш керак?

СУД МУСТАҚИЛЛИГИ — АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР, ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ ЖИНОИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДИНИНГ РАИСИ МАВЖУДА РАЖАБОВА БИЛАН СУҲБАТ

ишларни қўриш доирасининг кенгайишга сабаб бўлмоқда. «Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 сентябрда қабул қилинган қарори ҳам судлар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ аниқликлардан бири ҳисобланади. Чунки бу қарорга кўра, суд органларига кадрлар танлаш масаласини илгаригидек Адлия вазирлиги қосидаги департамент эмас, бевосита юқори судларда тизилган малака ҳайъатлари коллегияси асосида қўриб чиқади. Номзоднинг бўш судьялик лавозимига тайинлаш юзасидан узил-кесил хулоса беришни ҳал этиш эса Ўзбекистон Президентининг ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимига тасвир этиш бўйича олий малака комиссияси зиммасига юклатилди.

Энди судьялик лавозимига номзодларнинг ҳужжатлари бирон-бир «тўқсиз» тўғридан-тўғри Президент девонига юборилади. Судьяликка танлашнинг бундай ихчам механизми самарали бўлади, деган умиддамы. Кайд этилган қарорнинг қабул қилинишига яна бир сабаб, суд қарорларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш учун ижрочилар фаолияти устидан назоратни кучайтириш мақсадида суд қарорларининг ижросига

— Суд, прокуратура, тергов идоралари ходимларининг дунёқарашини ва тафаккурини ўзгариштириш ўзига хос жиҳатларидан бири, аввало, бу соҳадагилар яқинда матбуотда эълон қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни чуқур ўрганишлари зарур. Ушбу қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ ангашнинг ўзи ҳар бир судья ёки прокуратура ходимининг дунёқарашига таъсир этмасдан қолмайди.

Шахснинг тафаккури ва дунёқарашини ўзгариштиришда атрофдагиларнинг таъсири катта. Шунинг учун бошқа соҳадагилар каби судьялар, прокурорлар ва терговчиларнинг ҳам дунёқарашини ўзгариштиришнинг муҳим омилларидан яна бири улар малакасини оширишга эътиборни қўнайиши керак. Бу жараёнда кучлар нисбатини ўзгариштириш, яъни маърузачиларнинг билими тингловчилардан анча юқори бўлиши лозим.

— Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунда жиноий жазо тури сифатида мол-мулкни мусодара қилиш жазоси берилган. Бу

менимча жуда ўринли. Сиз бунга нима дейсиз?

— Ўзбекистон ҳаёндаги ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашга мақсад қилиб қўйган. Албатта бунга эришиш учун халқаро ҳуқуқнинг умумий эътиборга эгилган қонунларининг ижобий жиҳатларини қонунларимизга сингдириш масаласига ижобий ёндашилаётганлигининг гувоҳимиз. Кўпчилик ривожланаётган давлатларда мол-мулкни мусодара қилиш жиноий жазо тизимида йўқ. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳусусий мулк дахлсизлиги тан олинган. Бу жазо турини қўллаш мулк доирасидаги ворислик ёки мерос ҳуқуқига путур етказди. Шунинг учун ҳам Жиноят кодексига мол-мулкни мусодара қилиш жазосидан воз кечилди. Қонунга кўра мол-

қараш керак. Бизнингча, ишчи тергов қилиш ва судда қўришда мuddатларнинг белгиланиши, тергов ва судда ишни ҳал этишда ходимларни турли баҳоналарга чек қўйиб, қисқа мuddатда аниқ тўхтамга келишга ундайди. Аммо 30-40 жиноят ишлари ва юзлаб маъмурий ишларни ҳал этишга тўғри келмаётган жиноят ишлари бўйича туман судларида чегараланган мuddатлар салбий таъсир этмасдан қолмайди.

Шу ўринда келгуси муҳокамага лойиқ битта таклифни баён қилмоқчиман. Умуман олганда, ривожланган давлатларда биздагидек тергов ва суд тергов алоҳида институт деб қаралайди. Тергов органлари ўзининг прокуратура эгаллайди. Суриштирув билан ҳамкорликда давлат айбловчиси иссиқ излар ёрдамида зарур ва кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни, жумладан, воқеа жойини кўздан кечириш, турли экспертизалар тайинлаш, ҳодисадан бевосита хабардор гувоҳлар ёки жабрланувчилар тафсилотлар тўғрисида тезда сўраб суриштириш, бир сўз билан айтганда, рўй берган ҳодисада жиноят оломатлари бор-йўқлигини аниқлаш билан қисқа мuddатда шугулланади. Тўпланган материаллар бўйича гумон қилинувчини аниқлаб ҳат билан ҳужжатларни суднинг ихтиёрига юборади. Суд ишни ўрганиб, терговни бошлашга асос бор деб таърафларга маълум қилади. Шундан сўнг айбловчи ва ҳимоячи тортишув асосида суд жараёнида фаол иштирок этади. Биздаги мавжуд амалиёт, кўпчилик тергов ҳаракатларининг ёпиқ эшикларда олиб борилиши кейинчалик судда далилларни баҳолашда қийинчиликларга дуч келишимизга, тарафларнинг тортишув эса бир-бирига нисбатан қандайдир шубҳа билан қараш, оқибатда суд идоралари билан прокуратура, тергов органларининг ўзаро ишонсизликка олиб келиши мумкин. Жиноят-процессуал кодексини янада либераллаштириш масалалари муҳокама қилинаётган ҳозирги кунда Жиноят кодексидagi ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ва унга оғир бўлмаган жиноятлар бўйича дастлабки терговсиз суриштирув материаллари асосида прокурор ташаббуси билан суд терговиди ишни қўриш тўғрисида ЖПКга қўшимча киритиш таклифини билдираман. Бу эса мuddатларнинг 3-4 ойдан 1-2 ойгача қаматишига олиб келади. Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқини муҳофаза қилувчи идораларга бир неча мартаба эмас, бир марта боришга, қўрсатмаларини узоқ вақт ўтмасдан беришга, оқибатда тергов ва суд жараёни билан боғлиқ янги институт - ярашув муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш масаласини қўйиб турмасдан ҳал этишга хизмат қилади.

Суҳбатдош:
Фазилят ЁДГОВА

Мирзасуф РУСТАМБОВ,
ТДЮИ ректори, юридик фанлари доктори,
профессор

ЯНГИ АВЛОД ҲУҚУҚШУНОСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Президент Ислам Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чакриқ олтинчи сессиясида сўзлаган «Адолат — қонун устуворлигида» номли маърузасида ҳаммамиз учун дастуриламал бўладиган бир қатор долзарб вазифаларни олдимизга қўйди. Юртбошимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларни жадаллаштириш ҳамда тизимни янада тақомиллаштириш, жиноят қонунчилигини инсонпарварлик, адолат ва фуқаролик жамияти меъзоноларига мос равишда эркинлаштириш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, дунёқараш ва профессионал тайёргарлиги тамоман янгича бўлган ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, миллий ҳуқуқшунослик мактабларини яратиш ва шакллантириш каби масалаларга эътиборимизни қаратди.

Шуни айтиш керакики, мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган туз ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Бу ислохотларнинг асл моҳияти халқ фаровонлигини ошириш, жамиятда ижтимоий адолат ва демократия тамойилларининг устуворлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг суръати ва натижалари ҳар бйримизнинг бугунги кундаги шихоатимиз ва ҳаракатимизга боғлиқдир.

Олдимизда турган вазифаларни ҳал этишда, авваламбор, биз ўзимизга қўйилаётган талабларни қайта қўриб чиқишимиз керак, деб ўйлайман. Ахир юртбошимизнинг «...биз юридик кадрлар тайёрлайдиган ўқув ва илмий марказлардан... улар ўзларига қўётган талабларни қайта қўриб чиқишни кутмишга ҳақлимиз», — деган сўзлари замирида ислохотларнинг туз моҳиятини ташкил этувчи ҳодиса — инсон омили, унинг дунёқарашини, онги ва қалбида юз бериши лозим бўлган ижобий маънодаги инқилоблар назарда тутилган эмасми?!

Фикримча, олдимизда турган энг муҳим масала — янги авлодни тарбиялаб, воқеа етказётган профессор-ўқитувчилар, илм-фан ва ўқув жараёнини ташкил этиш билан банд бўлган раҳбарлар таркиби олдида қўйилаётган талабларни қайта-қайта талабчанлик билан қўриб чиқиш лозим. Аудиторияга фақат билим қўли, таърибаси ва ҳуқуқшунослик илмидаги сўнгги янгиликлардан яхши хабардор бўлган, дунёда юз бераётган воқеаларни тўғри талқин эта оладиган, талабаларга инсонийлик, ҳалоллик ва адолат туйғуларини сингдиришга қодир бўлган салохиятли ва таърибали мураббийларнинг киретишига эришишимиз лозим. Ваҳоланки, олдимизда адолат тамойилларига содиқ қолган ҳолда, оддий меҳнатқашнинг дардида қўлоқ тутиб, унинг оғирини енгил қила оладиган янги авлод ҳуқуқшуносларини тарбиялаб, воқеа етказиш вазифаси турибди. Бунинг учун институтларда олиб бориладиган таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятимизни тўғри ташкил этган

ҳолда, ёшларнинг дунёқарашини тубдан ўзгариштиришга эришишимиз лозим.

Ҳуқуқий таълим ва малакали юрист кадрлар тайёрлаш соҳасини тубдан тақомиллаштириш мақсадида тегишли норматив ҳужжатлар билан бир қаторда, ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув ҳамда иш режалари, шунингдек ўқитиш дастурларини қайта ишлаб чиқиш, шубҳасиз, таълим жараёнини замон талабларидан даражадаги ташкил этиш учун замин яратаяди.

Бугунги кунда Тошкент Давлат юридик институтининг ўқув жараёнига янги педагогик технологиялар жорий этилмоқда. «Юридик клиника» дастури, ўйин шаклида ташкил этилган суд жараёналари, мавзулар бўйича мунозаралар шулар жумласидандир. Ҳозирги жағмагарлар кўмагида «Интернет-синф» ташкил этилаётган. Бу ҳам талабаларнинг ўқув жараёнига ижобий ёндашувини таъминлайдиган омиллардан биридир. Бу йўналишдаги изланишларни давом эттириш билан бирга, махсус фанлар билан ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар ўртасида уйғунлиқни таъминлаш борасида иш бошладик.

Олий Мажлис сессиясида юртбошимиз томонидан қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқшунослик соҳаси бўйича замон талабларига жавоб берадиган фан номзодлари ва фан докторлари тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлашга эришиш, лозим бўлса, ўқитувчиларга барча шарт-шароитларни яратиш йўллари ахтарялашимиз. Ҳуқуқшуносликнинг юқорида тилга олинган янги ва устувор соҳалари бўйича ҳал этмайдиган мутахассис-ўқитувчиларни амалиётдан жалб этиш ёхуд магистратура, аспирантура ва докторантура босқичи битирувчиларидан самарали фойдаланишни мақсад қилиб қўйганимиз.

Таълим жараёнини ташкил этишда ҳаммамиз дуч келадиган энг жиддий муаммо шундан иборатки, махсус фанлар тўлали-



ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

(Давом. Бошланиши 2-бетла)

1942 йил. Урушининг оғир йиллари. Қизил Армиянинг барча ҳужумкор жағғари мағлубият билан туғган. Хусусан, Ленинград қамалини навбатдаги ёриб ўтиш барбод бўлган, Крим fronti қакшатқич зарбага учраган.

Шундай бўлса-да, тиш-тирноғига қуролланган душманга қарши аскарлар шиддатли жанглар олиб боришар, мисли қўрилмаган жасорат билан, охириги томчи қонига юртни ҳимоя қилишарди.

Улар орасида Жамолдин Ёқубов ҳам бор эди. У ярадор ҳолда, бутун ҳарбий қисми таркибиде асирга олинди.

1942 йилнинг декабрь ойи. Польша. Ҳарбий асирлар концентратсион лагери. Немис қўмондонлиги томонидан ҳарбий асирлар орасидан туркий миллатлар вакиллари ажратиб олиниб «Туркистон легиони» тузиш бўлисида буйруқ берилди. Легионларга ўтишни хоҳламаганларни шу заҳотиёқ ўлим кутар эди.

Жамолдин ҳам мажбуран легионнинг ишчи батальонига қабул қилинди ва душман соқчиси кузатувида ўзига ўхшаган асирларга машинада озиқ-овқат ташиб юрди.

Унинг бирдан-бир максаси — қулай фурсат топиб, «ўзиникилар» томонига қочиб ўтиш, душмандан ўч олиш эди. Шундай қилиш ҳам. Бир неча марта қилинган уринишдан сўнг, у ниҳоят совет қўшинлари таркиби-

га қўшилди. Берлин шаҳрига етиб борди, орден ва медаллар билан тақдирланди.

1950 йил. Уруш ғалаба билан тугаб, халқ яхшилик сари ўзгаришларни кутаётган бўлса-да, мамлакатда яна қатагон «шамол» эса бошлади ва у Ўзбекистонга ҳам қуондек етиб келди. Бирор сабабга қўра душманга асир тушиб қолган аскарларни «ватан хоинлари»га, «жосусларга» айлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Афсуски, бу «қуюн» Ж. Ёқубовнинг ҳам четлаб ўтмади. НКВД томонидан ихтиёрий равишда асирга тушиб душманга хизмат қилган кимса сифатида қамолга олинди.

Ваҳоланки, жиноят иши ҳужжатларидан Ж. Ёқубовнинг 1941-45 йилларда қатор медаллар билан мукофотланганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлиб, буларнинг барчаси унинг юртига содик эканлигини амалда намоян қилганлигини кўрсатса-да, буни на тергов органи, на ҳарбий трибунал инобатга олган.

Савол туғилади: ана шундай дахшатли йилларда адолатли суд бўлиши мумкинми?

Асло! Бу кезда айблов ҳулосасидоғи уйдирмаларни тасдиқлашдан бошқа илож йўқ эди.

Ҳарбий трибунал айнан шундай йўл тутди ва Ж. Ёқубовга «адолат қилиш», жиноят учун белгиланган жазонинг энг оғирини — 25 йил муздатга озодликдан маҳрум этиш-

ни раво қўриб, қўшимча яна 5 йил сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилганлигини эълон қилди.

Ж. Ёқубовнинг ноилоҳ тақдирга тан бериб, яна бир бор тутқинликда «жазо» ўтар, бу сафар, гиси энди душман лагерида эмас, балки ўзи қон тўкиб ҳимоя қилган мустабид тузум исқан-жасида эди. Шундай бўлса-да, унинг бир дақиқа ҳам кўзи олдида Ўзбекистон, туғилиб ўсган жонажон қишлоғи, ақинлари нари кетмас, тезроқ бу дахшатли азобларнинг тугашини, соғ-омон юртига қайтиб боришини яратгандан тилар эди.

Ж. Ёқубовнинг ноҳақ жазога мубатало этилганлигини биларди. Ариза ёзмоқчи бўлди. Қоғоз, қалам сўраб мурожаат қилган эди, рад қилишди. Мумкин эмас эмиш.

1953 йил. Ниҳоят «халқлар доҳийси» Сталин вафот этди. Ж. Ёқубовнинг СССР Бош прокуратури номига ариза ёзди: «Айбсизман, ноҳақ жазо ўтаётман. Адолат қилинган» дейди.

Бироқ, жиноят иши номигагина қайта қўриб чиқилиб, аввалги тайинланган жазо мuddати 6 йилга қайтарилиб, уни оқлаш лозим деб топилмади.

Бир ўзбек фарзанди 51 йил ноҳақ «ватан хоини» тамғаси билан яшашга гирифтор қилинди.

Шу боис, тегишли ҳулоса тузилди ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг ўринбосари — Республика ҳарбий прокуратури томонидан Олий судга Ж. Ёқубовнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли уни тула оқлаш тўғрисида протест қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳарбий қоншунослик соҳасидаги етук ҳуқуқшунослари томонидан мазкур жиноят иши қайтадан атрофлича қўриб чиқилди. Протест асосли деб топилди, Ж. Ёқубовга нисбатан чиқарилган ҳарбий трибунал ҳукми бекор қилинди ва у тула оқланди.

Истиқлолимиз тугайли адолат, ҳақиқат тантанасига бир юртдошимиз тақдирини мисолида гувоҳ бўлмоқдамиз.

Зафар ШОДМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ҳарбий прокуратурасининг
бўлим бошлиғи

МУНОСАБАТ

Инсоният тарихида шундай қора кунлар бўладики, инсон зоти асрлар ўтса ҳам бундай фожеани унутолмайди. Ўтган асрдаги Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари неча миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг ёстигини қуритди. Япониянинг Нагасаки ва Хиросима шаҳарларидаги фожеаларни дунё аҳли тарихдаги энг қора кун сифатида хотирлашади.

2001 йилнинг 11 сентябрий нафақат америкаликлар тарихида, балки инсоният тарихида ҳам ёвуз қучларнинг тинчлик, демократия ва тараққиётга ҳуружи сифатида муҳрланиб қолди.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ - УЛУҒ НЕЪМАТ

Терроризм деган сўзни эшитган ҳар бир юртдошимизнинг қалбида ноғохон бир титроқ пайдо бўлади. Чунки «халқимиз бу фожеаларни ўз кўзи билан кўрди ва гувоҳ бўлди. 1999 йил 16 февралда Тошкентда юз берган фожиа халқ кўпчилигининг хотирасидан ўчгани йўқ.

Юртбошимиз Афғонистон воқеалари муносабати билан берган Баёнотида «терроризмнинг дахшатли оқибатларини Ўзбекистон халқи, бу ерда яшайётган инсонлар бевосита ўз хаёти, ўз тақдирини мисолида яхши билади», деб таъкидлади.

Айюнда терроризм офати ҳақида бир мақолани ўқиб қолдим. «1999 йил 16 февралда Тошкентда бомбалаб портлади. Қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар қўрбон бўлди. Мисрдаги қадим Луксурда бегуноҳ сайёҳларнинг қони тўқилди. Шотландиянинг Локерби шаҳри осмонда «Панамерикен» авиаконанясининг самолёти барча йўловчилари билан бирга портлатиб юборилди. Болқон минтақаси, Чеченистон, Жазир, Ливан, Фаластин, Афғонистон, Тожикистон, Индонезия, Филиппиндаги қонли фитна ва алғов-далғовлар...» Бу сатрларни ёдга олган эканман, юрагимда оғриқ пайдо бўлади. Ёвуз қучлар бор экан, дунёдаги ҳеч бир мамлакат «бизда терроризм фожеаси юз бермади» деб айта олмади. Терроризм ўлимлик излаган қалхатдай ҳар жойда пайдо бўлиши мумкин. Бунинг учун дунё аҳли террорга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашиши лозим.

Президентиимиз Ислам Каримов БМТ минбарига сўзлаган маърузасида ҳам, Туркияда бўлиб ўтган саммитда ҳам терроризмга қарши умумжаҳон марказини тузишни тақлиф қилган эди.

Халқимиз азалдан тинчликсевар халқ. Пул топса уй қуради, тўй қилади. Улуғ орзулар билан яшайди. Бу ёруғ оламда тинч, аҳил яшашдан ортиқ не бор. Орзуларнинг рўёбга чиқиши учун эса биринчи навбатда тинчлик, хотиржаллик керак. Тинчликни бизнинг халқимиз учун четдан биров келиб, таъминлаб бермайди. Шунинг учун барчамиз ўз уйимизни, маҳалламизни, қолаверса юртимиз омонлигини ҳимоя қилиш учун бор қучимизни аямаслигимиз лозим. Бир сўз билан айтганда бўлсақ, ёвуз ниятли кимсаларга қора ишларини амалга ошириш учун имкон бермаслигимиз зарур. Биз прокуратура ходимлари ҳам ҳар қуни икки-учта маҳаллада бўлиб одамларни ҳушёрликка даъват этаямиз. Қуни кеча ана шундай юзма-юз мулоқотлар туманимизнинг «Зиллола», «Миришкор», «Рохат» маҳаллаларида бўлиб ўтди. Унда аср вабосига қарши курашишда ақил бўлиш лозимлиги таъкидланди.

Туманимиз ҳудудидаги 2 та ДАН пости орқали Тошкент шаҳрига кирилади. Ана шу ДАН масканларида назорат қўйилган. Бозорларда турли диний экстремистик адабиётларни тарқатишнинг олдини олиш зорасидан назорат ўрнатилган. Бир сўз билан айтганда оғоҳлик учун оёққа турганмиз.

Халқимизнинг ниғоҳи бир неча ҳафтадирки Афғонистондаги воқеаларга қаратилган. Оммавий ахборот воситалари у ердаги воқеаларни шарҳламоқда. Биз яхши биламизки, террорда жафоасиз афғон халқининг айби йўқ. Вақт келиб згулик ёвузлик устидан ғолиб қидади. Бомбалаб овози эшитилаётган афғон юртида ҳадемай тўйлардан дарак берувчи афғон рубобларидан тинчлик куйлари инграйди. Биз бунга чин дилдан ишонамиз ва ана шундай муборак кунларнинг келишини орзу қиламиз.

Ўқтам САДОВ,
Бектемир туман прокуратури ёрдамчиси

гича дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланган эмас. Тўғри, профессор-ўқитувчиларимиз томонидан қўллаб дарслик ва ўқув қўлланмалари, монографиялар, Ўзбекистон Конституциясига шарҳлар, Жиноят, Ҳуқуқолик кодексларига шарҳлар, ўқув дастурлари чоп қилинди. Аммо, бу ўқув адабиётлари, менимча, замон талабларига тўлиқ жавоб бера олмади.

Яқинда ўтказилган таҳлил жараёни шуни кўрсатдики, вилот юридик факультетларида фаолият олиб бораётган кафедраларнинг аксарияти махсус фанлар бўйича бирорта ҳам дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланма тайёрлаб, нашр этмаганлар. Аънавий фанлар билан бир қаторда қатор янги йўналишлар кун тартибига қиқётган бир вақтда, бундай кафедраларнинг фаолиятини қандай баҳолаш мумкин?

Ўқув адабиётлари бир ташкилот олимлари томонидан ёзилиши керак деб, ҳеч қерда белгилаб қўйилган эмас. Шунинг учун базий йўналишлар бўйича ўқув адабиётларини институтларро гуруҳлар ташкил этган ҳолда ёзиб, нашр этиш масаласини ҳамжihatликда хал этиш лозим. Етақчи ташкилотларнинг амалий ва услубий ёрдами ҳам шундан иборат бўлади, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, юридик адабиётлар тайёрлашнинг мoliявий механизминини ишлаб чиқиш, халқаро ташкилотлар грантларини олишга эришиш ҳам ушбу масаланинг ижобий хал этилишига замин яратди. Бугунги кунда мамлакатимизда СОРОС, Конрад Аденауэр, Евразия каби бир қатор жамғармалар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг мақсади миллий таълим тизимида юз бераётган ислохотларга яқиндан ёрдам кўрсатишдир. Институтимиз олимлари ҳам ушбу жамғармалар қўмағида бир қатор дарсликлар чоп этирди. Ҳозир ҳам «Давлат ва ҳуқуқ» журнали СОРОС жамғармаси қўмағида нашр этилмоқда. Институт қошида бир қатор хорижий ташкилотлар

билан ҳамкорликда очилган Ҳуқуқий маълумотлар очик кутубхонаси, Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш марказининг очик кутубхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу икки кутубхона 10.000 га яқин китоб захирасига эга. Демокриманки, ўқув адабиётларини тайёрлаб, нашр этиришда, янги кутубхоналар очишда хорижий жамғармалар қўмағидан фойдаланиш фойдаланган ҳоли бўлмайди.

Шу билан бирга, ҳуқуқшуносликнинг турли йўналишлари бўйича алоҳида-алоҳида шаклда энг яхши дарслик учун танловлар ўтказиб, ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чора-тадбирларини жорий этиш лозим. Бу танловлар очик ва кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Халқаро алоқалар ҳақида гап кетар экан, бу соҳа олий ўқув юрти фаолиятининг энг муҳим қисми эканлигини айтиб ўтиш жоиз.

Бугунги кунда Тошкент Давлат юридик институти АҚШ, Япония, Англия, Миср каби мамлакатларнинг етақчи олий ўқув юртилари билан ҳамкорлик ришталарини ўрнатди. Институтнинг 22 ўқитувчиси хорижда малака ошириб қайтди. АҚШ, Англия, Бельгия, Россия, Германия, Миср ва Венгрия каби мамлакатлардан келган 28 ҳуқуқшуно олим институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари олдида маърузалар ўқидилар.

Институтимиз ва Япониянинг Нагоя унисерситети ўртасида эса тўғридан-тўғри ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги шартнома имзоланиб, унинг амалий натижалари рўёбга чиқа бошлади: институтнинг 2 профессори Нагоя унисерситетида бўлиб, маърузалар ўқиб қайтдилар, япониялик бир профессор Тошкентда кутиб олинди, 3 талаба Японияда ўқини давом эттириш учун юборилди, ҳозир япониялик талабаларнинг келиши кутилмоқда. Ҳамкорликда ўқув адабиётлари тайёрлаш режаси тайёрланди. Ўқитувчилар алмашуви ҳақида келишиб олинди.

ХУҚУҚИЙ

Маслаҳатхона

САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

ИШОНЧЛИ ШЕРИК

Мен тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаман. Мен билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган бир фирма бор эди. Биргаликда олиб бораётган ишларимиз ва ўзаро муносабатларимиз ҳам яхши эди. Лекин шу йилнинг апрель ойида ушбу фирма директори бор пулларни олиб қочиб кетди. Кейин билсам, бу фирма лицензиясиз фаолият юритиб келаётган экан. Уларнинг бу ишлари фош этилгач, эгалари жуфтаниш ростлаб қилишди.

Мен улардан ўз пулларимни қандай қилиб олсам бўлади?
Менга ўхшаган бошқа кредиторлар ҳам чиқса, унда кимнинг талаби биринчи бўлиб қондирилади?

З.ХОЛМАТОВ,
Тошкент шаҳри

Бундай ҳолат юз берганда қилинадиган биринчи иш — тугатиш комиссиясига мурожаат этишдир. Бу қандай комиссия ва уни топиш учун қарерга мурожаат этиш лозим, деган савол туғилиши мумкин.

Ушбу комиссияни шакллантириш жараёни қуйидагича бўлади. Бирор бир фирма ёки шунга ўхшаш юридик шахс фаолиятини сиз айтгандек лицензиясиз олиб бораётганлиги аниқланган тақдирда, суд томонидан бундай фаолият чекланиб, юридик шахсни тугатиш ҳақида қарор қабул қилинади. Бундай қарор қабул қилингач, суд юридик шахсни тугатиш комиссиясини тайинлайди.

Тугатиш комиссияси барча ҳужжатлар билан тўлиқ танишиб чиқ-қач, фирма тугатилаётганлиги ва шу муносабат билан кредиторлар томонидан талабларни баён этиш тартиби ҳамда муддатларини кўрсатган ҳолда матбуотда эълон беради.

Агар тугатилаётган юридик шахснинг ихтиёрида қолган пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондиришга етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси юридик шахснинг мол-мулкни қим ошди савдоси орқали суд қарорини ижро этиш учун қонуноба белгиланган тартибда сотади.

Юридик шахс тугатилаётганда биринчи навбатда фуқароларнинг (шу фирмада ишлаган) иш ҳақлари, алимент тўловлари, муаллифлик шартномалари бўйича муқофот тўлаш ҳақидаги талаблар, шунингдек ҳаётига, соғлиғига зарар etkazilgan фуқароларнинг талаблари қондирилади.

ИМТИЁЗГА ЭГА ЭМАС

Биз очик турдаги 36-автокорхона акциядорлик жамияти ишчилари уч ойдан буюн туман солиқ инспекциясига мурожаат этиб, фойда ва ер солиғи бўйича бизга имтиёз берилиши ёки берилаётганлиги ҳақида аниқ жавоб ололмаётимиз.

Солиқ кодекси 31-моддасининг 6-бандида тиждорат ишлари билан шуғулланмайдиган ташкилотлар — хайрия бирлашмалари, диний бирлашмалар, уюшма ва фондлар ҳамда бошқа ташкилотлар солиқлардан имтиёз олиш ҳуқуқига эга эканлиги айтиб ўтилган. Бошқа ташкилотлар деганда, бизнинг автокорхона ҳам қирадими?

Автокорхонамиз «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармасининг 22-К солиқ гувоҳномасига эга бўлиб, 1997 йил 16 май кунидан жамғарма эъзагарма азоси этиб қабул қилинган. Бунинг имтиёз олишга дахли борми?

Қарзларимизни тўлай олмаётганлигимиз учун туман солиқ инспекциясининг даввоси бўйича 2001 йил 5 март куни вилоят ҳўжалик суди мол-мулкимизни хатлаб, бир қанча транспорт воситаларимизни сотиб юборди. Аслида эса автокорхонадаги транспорт воситалари мудоффа бўлими ҳисобига туради.

Агар биз юқорида айтиб ўтилганларга кўра имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлсак, ҳўжалик суди қарорига протест бериладими?

Ҳурмат билан автокорхона ишчилари номидан ходимлар бўлими бошлиғи А.СУЛТОНОВ.

Маълумки, ҳар бир юридик шахснинг фаолият йўналишини белгилаб берувчи Низоми бўлади. Унда юридик шахснинг мақсади, вазифалари, ҳўқуқ ва эркинликлари аниқ кўрсатилади, унга мувофиқ фаолият юретилади. Ҳаттод маълум бўлишича, автокорхонамиз транспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланиб, ундан тушган фойда ҳисобига ўзини ўзи маблағ билан таъминлайди ҳамда ушбу ҳисобдан ўз ходимларига маоши, акциядорларга дивиденд тўлаб келади. Бошқача қилиб айтганда, автокорхона ўз фаолиятини фойда олишни кўзлайди. Бундан кўринадики, у хайрия мақсададларга таъшиқ этилмаган ва шу сабабли уни сиз айтиб ўтган хайрия бирлашмалари, уюшмалар, фондлар, диний бирлашмалар қаторига қўшиб бўлмайди.

Олинган гувоҳнома эса фақатгина намунали меҳнат эътирофидир ва у солиқлар бўйича ҳеч қандай имтиёз бериладими.

Суд қарорига келадиган бўлсак, бир шахснинг қонун олдидида мажбуриятлари юзасидан ўзга шахс ўз мол-мулк билан жавоб берилади. Агар автокорхонамиз суд қароридан норози бўлса, юқори турғучи судга шикоят билан мурожаат этишга ҳақли.

Солиқ кодексининг 31-моддаси 7-бандига мувофиқ, шахар йўловчилар транспорти (такси, шу жумладан йўналиши таксидан ташқари), йўловчиларни ташиш билан боғлиқ хизмат кўрсатувчи юридик шахслар (!) даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилади.

ИМЗОСИЗ ЎТМАЙДИ

Мен бир фирмага икки йилдан бери бошчилик қилиб келаман. Фирма билан тузилган барча шартномаларни фақат ўзим имзолайман. Яқинда республикамизнинг бошқа бир вилоятидаги завод билан махсуслот etkazib бериш тўғрисида келишгандик. Лекин шартнома тузилаётган вақтда бахтсиз ҳодиса туфайли мен жароҳат олиб ётиб қолдим. Аксида олиб ўринбосарим айти пайтда хизмат сафарига кетган эди. Мазкур ҳолатда келгусида бирор бир келишмовчиликнинг олдини олиш мақсадида нима қилиш мумкин?

Д.КЕРИМОВ,
Андижон вилояти

Агар сиз жароҳат туфайли шартномани имзолай олмаётган бўлсангиз, унда сизнинг илтимосингизга кўра бошқа шахс имзолаши мумкин. Ва келгусида шартнома юзасидан келишмовчилик келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида, уни нотариал тартибда тасдиқлаштириб олиш лозим. Бундай ҳолатда шартномани шахсан имзолай олмаслик сабаблари кўрсатиб ўтилади.

ДЕХҚОННИНГ УМИДИ

Мен фермерлик фаолияти билан шуғулланиб келаман. Ихтиёримда ўн гектардан зиёд ер бор. Ўтган йили шу ер майдонининг ярмига бугдой эккан эдим. Ерни фақат сунъий сугориш, яъни электр ёрдамида сугориш мумкинлиги сабабли шу йил бошида электр таъминот идораси билан шартнома имзолаган эдик. Лекин бу идора йил давомида шартнома шартларига тўлиқ амал қилмай, электрни тежаш мақсадида кўп мартабта токни узиб қўйверди. Оқибатда мен экинни сувега етарли даражада тўлдирга олмади, ҳеч қанча ҳосил ололмадим ва катта зарар кўрдим. Электр таъминот идораси эса буни тан олгани келмай, шартномада белгиланган ҳақни тўлайдиси, деб туриб оляпти. Бунда мен нима қилишим мумкин? Мен электр ҳақини тўлашдан бош тортишга ҳақлиманми?

О.САИДКУЛОВ,
Бухоро вилояти.

Агар сиз билан энергия таъминоти идораси ўртасида тузилган шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, энергия ҳақи абонент амалда фойдаланган микдор учун тўланиши лозим.

Шартнома бўйича электр таъминот идораси бутун мавсум давомида электр энергияси билан таъминлашни ўз зиммасига олган бўлиб, ўз мажбуриятларига тўлиқ амал қилмасида натижада etkazilgan моддий ва маънавий зарарни, шунингдек, бой беришдан фойдани мазкур идорадан ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этишингиз мумкин.

ИШДАГИ НОТИНЧЛИК

Мен шахримиздаги заводлардан бирида ҳисобчи бўлиб ишлар эдим. Ҳозирда эса бошқа вазифада ишлаб келаятман. Яқинда заводимизда катта текшириш ўтказилганда мен бундан икки йил олдин бир арзимаган хаттоа йўл қўйилганини аниқлангандим. Завод директори буни эшитган, менга жазима солиб, сўнгера ишдан бўшатилиш ҳақида буйруқ берибди. Унинг бу ҳаракатлари тўғриси? Ножўя хатти-ҳаракат содир этган ходимга интизомий жазони қонун бўйича қанча муддатда қўллаш мумкин?

З.ҚОРАБОВЕВА,
Фарғона вилояти

Меҳнат кодексига белгиланган талабга мувофиқ, ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланилиши мумкин. Уларга: ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг йисирма фоизидан ортқи бўлмаган микдорда жарима (ички меҳнат тартиб қондаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг қирқ фоизидан ортқи бўлмаган микдорда жарима солиш назарда тутилган бўлиши мумкин), меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, ўзга билан бир ой ичиде қўлланилади. Агар ходимнинг ножўя хатти-ҳаракати у содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин молиявий-ҳўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланган тақдирда, у аниқланган вақтдан бошлаб икки йил ўтса интизомий жазони қўллаб бўлмайди. Бу ҳолат юзасидан жиноий иш кўзгатишганда, юқоридаги норма амал қилмайди.

ЎЗ ВАҚТИДА БЎЛМАГАН ИШ

Ўғлим 14 ёшида. Таътилда бекор юргандан кўра, сув сотса дегандим, патент олишга ёши етмаяпти. Лекин таътил ҳам ўтиб кетди, мазкур ҳолатда нима қилиш мумкин эди?

Гулнора РАҲМОНОВА,
Тошкент шаҳри

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳўқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини ўзўзига келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга еткан, яъни ўн саккиз ёшга тўлгандан кейин тўла ҳажмда вужудга келади. Лекин муомала лаёқатида ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб ҳам қонунда белгиланган тартибда эга бўлиш мумкин. Масалан, вояга етгунча қадар қонуний асосда никоҳдан ўтиш, 16 ёшга тўлган шахсини муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация). Эмансипация — суд томонидан вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли, деб топиш.

Ўғлингиз эса ёш жиҳатидан айтиб ўтилган ҳолатларнинг биронтасига тўғри келмаслиги учун ҳозирча мустақил равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас.

БЕҲУДА ТАЪТИЛ

Мен иккита савол билан мурожаат қилмоқчиман.

1. Агар ишчи йил мобайнида бериладиган меҳнат таътилидан фойдаланишни истамаса, ушбу таътил ўрнига пул берилиши мумкинми?

2. Агар ишчи билан тузилган меҳнат шартномасида меҳнат таътилидан фойдаланмасдан туриб бекор қилинса, таътил қуйиб кетаверадими?

З.ОРИПОВА,
Самарқанд вилояти

Агар сиз иш даврида меҳнат таътилидан фойдаланишни истамасангиз, томонлар ўртасидаги ўзаро келишув асосида ушбу таътил пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин. Лекин шунинг унутмангки, пуллик компенсация Меҳнат кодексига белгиланган меҳнат таътилининг энг оз муддатида ортқиқча қисми учун тўланади. Яъни, қонун билан белгиланган 15 кун чиқариб ташланиб, ундан қолган қисмига тўланади.

Иккинчи саволингизга келадиган бўлсак, меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан), ходимнинг хоҳишига кўра йиллик асосий ва қўшимча таътиллари берилиб, ундан кейин меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Агар меҳнат шартномаси ходимнинг айбон хатти-ҳаракатлари натижасида бекор қилинган бўлса, унда асосий ва қўшимча меҳнат таътилидан тўлиғича фойдаланиб бўлмайди.

шахслардан қонунда белгиланган тартибда кейинчалик ундириб олинади.

VII БЎЛИМ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

52-модда. Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ чет эл давлатларининг тегишли органлари билан прокурор назорати, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳамкорлик қилади.

53-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура муассасалари

Илмий тадқиқотлар ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида белгиланган тартибда идоравий илмий муассасалар ва ўқув юртлари ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари даврий нашрлар ҳамда махсус адабиётлар чоп этиши мумкин.

54-модда. Прокуратура органларининг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти

Прокуратура органларининг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти республика бюджет-и маблағлари ҳисобидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

55-модда. Прокуратура органларининг муҳри

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва унга бўйсунувчи прокуратуралар Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири ва ўз номи туширилган муҳрга эга бўлади.

56-модда. Ушбу Қонунда қўлланилган айрим атамаларнинг талқини

"Фуқаролар" деган атама замирида Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни тушуниш керак.

"Прокуратура органлари ходимлари" деган атама замирида даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органлари ва муассасаларининг барча ходимларини, шунингдек прокуратура иш ўрганувчиларини тушуниш керак.

5, 6-моддалардаги, 7-модданинг иккинчи қисмидаги, 22, 23, 25, 26-моддалардаги, 31-модданинг иккинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи хатбошиларидagi, 33-моддадаги, 43-модданинг биринчи қисмидаги ҳамда 44-модданинг биринчи қисмидаги "прокурор" деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, қўйи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, катта прокурорлари ва прокурорларини тушуниш керак.

28-модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, тўққизинчи ва ўн учинчи хатбошиларидagi, иккинчи қисмидаги "прокурор" деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, қўйи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқларини тушуниш керак.

1-моддадаги, 7-модданинг тўртинчи қисмидаги, 8-модданинг иккинчи қисмидаги, 28-модда биринчи қисмининг учинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошиларидagi, 29-модданинг иккинчи қисмидаги, 31-модданинг учинчи, тўртинчи ва саккизинчи хатбошиларидagi, 34, 35, 36, 38, 39, 40, 41, 42-моддалардаги "прокурор" деган атама замирида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек уларнинг ўринбосарларини тушуниш керак.

28-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошидаги "прокурор" деган атама замирида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорларини ва уларга тенглаштирилган прокурорларини тушуниш керак.

16

буқлаш чизиги



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ПРОКУРАТУРА ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

«HUQUQ» yuridik gazetasi

2001 йил

қирқинч чизиги

VI БЎЛИМ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ

43-модда. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар

Прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотга эга, зарур касбий фазилатлари бўлган, зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига йилгирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади.

Прокуратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгиладиган тартибда аттестациядан ўтказилиши лозим.

Прокуратура органлари ходимлари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шугулланиши мумкин эмас. Улар илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан фақат асосий ишдан бўш вақтда шугулланиши мумкин.

44-модда. Прокурорлар ва терговчиларнинг қасамёди

Прокурор ёки терговчи лавозимига биринчи марта тайинланаётган шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қабул қилади:

"Ўз хизмат вазифаларимни ҳалол ва виждонан бажаришга, қонун бузилишига қарши мурасасиз курашишга, фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қиламан".

Қасамёд қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади.

45-модда. Прокурорлар фаолиятини баҳолаш

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида камида икки марта комплекс ўрганиб чиқилади. Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.

Ўз фаолияти даврида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлаб бера олмаган шахслар прокурор лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

46-модда. Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси таркибида прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция тузилади.

Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция прокуратура органлари ходимлари томонидан содир этилган хизмат мавқени суистеъмол қилиш, коррупция ва эғаллаб турган лавозимига нолойиқ бошқа ноҳўя хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар бўйича хизмат текширувини ўтказиши.

Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

47-модда. Прокуратура органлари ходимларининг даражали унвонлари ва ҳарбий унвонлари

Прокуратура органлари ходимларига эғаллаб турган лавозимлари ва меҳнат стажига мувофиқ даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлар берилади.

48-модда. Прокуратура органлари ва муассасаларидаги хизмат

Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ, прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига даражали унвонлар ва ҳарбий унвонлар бериш ҳамда улардан маҳрум этиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгилаб қўйилади.

14

ПРОКУРАТУРА ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг (бундан буён матнда прокуратура органлари деб юритилади) асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

3-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

4-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари

Прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш; фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувини, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

судларда жиноят ишлари қўриб чиқилаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда ҳўжалик низоларини қўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

ўшлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

5-модда. Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари

Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралиқдир.

Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади ҳамда қўйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатади.

3

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

“Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 29-модда, № 6, 266-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 145-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Тошкент шаҳри,
2001 йил 29 август.

И. КАРИМОВ

2

15

қирқинч чизиғи

Юқори турувчи прокурор қўйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир, шунингдек у ўз бўйсунувидagi барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобгардир.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекинши, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъи назар, қонунийлики бўзиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадilar. Прокуратура органларининг фаолиятига аралаштиш тақиқланади.

Прокурорнинг гайриқонуний қарор қабул қилишга эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бир-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўқсиниш қилиш, унинг дахлсизлигига таъжовуз қилиш, шунингдек прокурор ёки терговчининг рухсатсиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошқор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар.

6-модда. Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги.

Прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўйётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийдир.

Прокуратура органлари ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари мажкур органларнинг талабига мувофиқ бепул бериллади.

Прокурорнинг талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

7-модда. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш

Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадилар, уларнинг

бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади.

Прокурор ўзига тушган тақлиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегишли давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир ёзма ахборот беришларини талаб этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фуқаронинг ариза ва шикояти ёки юридик шахснинг мурожаати юзасидан қарор қабул қилинганидан кейин прокуратура органларида улар бўйича иш юритиш тугатилди, янги очилган ҳолатлар бундан мустаснодир.

8-модда. Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши

Прокуратура органлари ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқотар қурол ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситалари олиб юриш ҳуқуқига эга.

49-модда. Прокуратура органлари ходимининг дахлсизлиги

Прокурор ва терговчига нисбатан жиноят иши кўзгатиш ва дастлабки тергов ўтказиш прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва интизомий ноҳўя хатти-ҳаракат учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилади.

50-модда. Прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти

Прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи мансаб мошиндан, даражали унвонлар (ҳарбий унвонлар), кўп йиллик хизмат учун тўланадиган устама ҳақлардан иборат бўлади.

Даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органларининг ходимлари белгиланган меъёрлар бўйича бепул хизмат кийими билан таъминланади.

Прокуратура органлари ходимларига мuddати ўттиз календарь кундан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил бериллади. Ун беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига беш календарь кун, йигирма беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса ўн календарь кун қўшимча таътил бериллади.

51-модда. Прокуратура органлари ходимларини ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари

Прокуратура органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади ҳамда республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда сугурталанadi.

Давлат сугурта органлари қўйидаги ҳолларда сугурта суммаларини тўлайдилар:

прокуратура органлари ходими ишлаётган даврида ёки прокуратура органларидан бўшатилганидан кейин ҳалок бўлса (вафот этса), агар бу ҳол у ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг меросхўрларига – Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 194-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган миқдорда;

прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст etkazилганида – унинг ойлик иш ҳақи йигирма беш карраси миқдориди;

прокуратура органлари ходимига у ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст etkazилганида – унинг ойлик иш ҳақи беш карраси миқдориди.

Прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст etkazилганида бошқача шикаст etkazилганида – унинг ойлик иш ҳақи беш карраси миқдориди.

Прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст etkazилиши оқибатида ҳалок бўлса (вафот этса), унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига etkazилган зарарнинг тўлови бўйича қисмини йўқотганлиги муносабати билан тайинланган пенсия, ҳудди шунингдек бошқа пенсия, иш ҳақи, стипендия ва ўзга даромадларни ҳисобга олмаган ҳолда унга иш ҳақи ва тайин этилган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда тўлаб борилади.

Прокуратура органлари ходимининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ тарзда унга тегишли мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида etkazилган зарар унга ёки унинг оила аъзоларига тўлалгичча қопланади.

Ушбу модданин иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган зарарни қоплаш бўйича тўловлар республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, улар айбдор

бузилган чизиғи

бузилган чизиғи

4

13

7

● ҚОНУНГА ШАРХ

Сўнгги йилларда фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, айниқса суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва суд жараёнида одиллик, инсонпарварлик каби тамойилларни амалда кўпроқ татбиқ этишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинмоқда. Қонунларимизга ҳуқуқий давлат ва демократик жамият қуриш борасидаги ислохотларни чуқурлаштириш талабларига мос бўлган, инсон ҳуқуқларини, эркинликларини ҳар жиҳатдан таъминлашга қаратилган ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассамлаштирган ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

1999 йилда Жиноят кодексининг иқтисодий соҳасидаги етти та модда-сида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахслар, агар етказилган зарарнинг ўринини қоплайдиган бўлса, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш чорасини қўлламаслик ҳақида қўшимчалар киритилган эди.

Президентимизнинг ташаббуси билан «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жино-

та таркиби бўйича эса жарима жазо чораси сифатида киритилди.

Умуман олганда, ҳозирги вақтда жиноятларнинг оғирлиги ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб, 187 та жиноят таркиби бўйича жарима санкцияларини қўллаш орқали озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлламаслик имкони яратилди.

Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товланганлик, божхона тўғрисидаги қўнун ҳужжатларини кўп миқ-

микдорда бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноят Кодексининг 73-моддаси учинчи қисмига киритилган ўзгаришлар жиноий қилмишдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган шахсларни ўз оиласига, қариндош-уруғлари ва яқинлари даврасига тезроқ қайтариш мақсадини кўзлайтиди.

Эндиликда ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахслар жазо муддатининг ярми эмас, балки камиди учдан бир қисми тугаганидан сўнг муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши мумкин.

Оғир жиноят ёки тақрорий равишда қасддан жиноят содир этган шахсга нисбатан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш чораси жазо муддатининг камиди учдан икки қисми эмас, балки ярми ўтаб бўлиганидан кейин қўлланилади.

Жиноятларнинг ўта оғир турларини содир этган ёки муддатидан илгари

дорда бузганлик учун жиноий жавобгарлик фақат маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейингина назарда тутилган.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш ва фирибгарлик ўта оғир жиноятлар тоифасидан чиқарилди.

Аёллар ва 60 ёшдан ошган эркекларга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда бу муддат ЖКнинг санкциясида назарда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги белгиланди.

Вояга етмаганларга қасддан содир этилган жиноятлари учун 3 йил, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлари учун 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш қўзда тутилган жиноятлар учун эндиликда озодликдан маҳрум қилиш қўлланилмайди.

Улим жазоси илгари 8 та жиноят таркибига нисбатан қўлланилиши назарда тутилган бўлса, эндиликда 4 та, яъни агрессия, геноцид, терроризм ҳамда оғирлаштириладиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирилганлик жиноятлари бўйича қолдирилди.

ЖКдаги ўзгаришларнинг асосий қисми ҳибсда сақлаш ва дастлабки тергов муддатларини қисқартиришга қаратилгандир.

Илгари терговнинг энг кўп муддати 2 йилгача, ҳибсда сақлашнинг энг кўп муддати бир ярим йилгача бўлган бўлса, эндиликда бу муддатлар тўққиз ойни ташкил этади. Фақатгина алоҳида ҳолларда бу муддатни Бош прокурор бири йилгача узайтириши мумкин.

ЖКда янги 66-1-моддаси киритилиб, унда 28 та жиноятлар таркиби бўйича ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган.

Яраш жараёнининг моҳияти шундаки, агар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс ўз қилмишининг оқибатларини тушуниб етиб, етказилган зарарни бартараф этиб, ётқизилган зарарни ярашса, жиноий таъкиб қилиш тугалланади. Бу тамойил жиноят иш бўйича тергов ва суд процессларини тезлаштириш, соддалаштириш ва оsonлаштириш имконини бериш билан бирга, халқимизнинг кадриятларини ҳамда жабрланувчи ва айбланувчи ўртасидаги нисбатан муносабат яхшиланishiга эришилганлигини инобатга олиш, айбланувчиларга нисбатан инсонпарварлик кўрсатилиши каби мақсадларни қамраб олади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам ўзгаришлар киритилди. Эндиликда савдо ёки хизмат кўрсатиш қондаларини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини анча

шартли равишда озод қилиш аввал қўлланилган ёхуд жазо тури нисбатан енгилроқ жазога алмаштирилган шахсларни муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш жазо муддатининг камиди учдан икки қисми тугаганидан сўнг қўлланилади, илгари бу миқдор жазо муддатининг камиди тўртдан уч қисминини ташкил этарди.

ЖК 155-моддасининг янги тахририда терроризм тушунишга кенг қамровли ва аниқ ифода этиб берилиши билан бирга, терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги ҳам белгиланганлиги, адашиб бу жирканч йўлга кириб қолган шахслар ўз ҳаракатларини аниқли оқибатини ўз вақтида тушунишига яратилган яна бир катта имкониятидир.

167, 168 ва 169-моддаларнинг янги тахрири ушбу моддаларнинг санкцияларига дахлдор бўлиб, уларда жазонинг энг ҳам миқдорларини қамраб олинди.

ЖКнинг 182-моддаси диспозициясига киритилган асосий ўзгариш шундан иборатки, жиноятнинг бу турига «кўп миқдордаги» тушунчаси киритилди ва айбдор шахсда худди шундай хатти-ҳаракат учун маъмурий жазо чорасини енгиллаштириш бўлиши шарт қилиб қўйилди. Фақат тергов қилиш ва қамқода сақлаш муддатларини қисқартиришигина эмас, балки судларда ишларни кўриб чиқишни бошлаш муддатлари қисқартирилди ва биринчи мартаба иш қўриб чиқиш муддатлари белгиланди, эндиликда суд жиноят ишини кўриб чиқишни бу ҳақда қарор чиқарилган пайтдан эътиборан ўн беш кун эмас, балки ўн кун давомида бўлиши шарт. Шунингдек, жиноят ишини маъмулан ҳал қилиш суд томонидан бу ишни кўриб чиқиш бошланган вақтдан эътиборан узоғи билан икки ой муддат давомидида тугалланиши лозим.

Бу муддат Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди раисини томонидан тўрт ойгача узайтирилиши мумкин. Фақат мураккаб ва кўп эпизодли ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари томонидан беш ойгача ва Олий суд раисини томонидан олти ойгача муддатга узайтиришга йўл қўйилади.

Демак, ушбу Қонун инсон ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатлари билан тўғридан-тўғри боғлиқ экан, ҳар биримиз уни чуқур ўрганишимиз, унда белгиланган ҳуқуқий нормалар бекаму-қўст амалиётга татбиқ этишимиз зарур.

Ибодулло НУРОВ,
Республика Бош
прокуратурасининг бўлим бошлиғи

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР ● ХАБАРЛАР ● ШАРҲЛАР

ДЕПУТАТЛАР ТАЛАБИ БИЛАН

Япония парламентида япон қуролли қучларининг Афғонистондаги террорчи қучларга қарши кураш операцияларидаги иштироки ҳусусидаги қўнун лойиҳаси кескин мунозараларни келтириб чиқарди. Ушбу қўнун лойиҳасига қарши бўлган депутатлар бу ҳужжатнинг мамлакат конституциясига зид эканлигини таъкидлашмоқда. Шундан келиб чиқиб, ҳукумат Япон қуролли қучлари ушбу ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмасдан фақатгина қидирув ва гуманитар миссияларда иштирок этишини маълум қилди. Маълумки, Иккинчи жаҳон урушидан улкан талофотлар билан чиққан Япония мамлакатдан ташқаридаги ҳар қандай ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишдан соқит бўлган эди. Аммо АҚШдаги воқеликлар ушбу мамлакатни таъқи сиёсатдаги ўз позициясидан бироз чекинишга мажбур этган кўринади. Ҳозирда кун чиқар мамлакат Вашингтонни қўллаб-қувватлаш маъносида ҳарбий денгиз флотига қарашли кемаларини Ҳинд океанига жўнатишга шай турибди.

«ТАМИЛЬ ЙЎЛБАРСЛАРИ»НИНГ НАВБАТДАГИ «ҲАМЛАСИ»

Шри-Ланка полицияси пойтахт Коломбода содир этилган портлаш оқибатида икки киши қурбон бўлганлигини (улардан бири полиция ходими) ва ўн олти нафар фуқаро турли даражада жароҳат олганлигини маълум қилди. Ҳукумат ушбу хунрезлиқни амалга оширган жангари - камикадзе мамлакатда фаолият кўрсатаётган «Тамиль йўлбарслари» экстремистик гуруҳи азъоси оқибатига шубҳа қилмапти.

Полиция ва гувоҳлар берган баълаумотга кўра террорчи махсус маросида иштирок этиш учун келмаётган мамлакат бош вазири ўтирган автомашина яқинида портлаш содир этган.

Маълумки, мамлакатда декабрь ойида бўладиган парламент сайловлари учун сайловолди кампанияси давом этмоқда. Сайловлар олдиндан ўз таъсирини қучайтириш ҳаракатида тушиб қолган «Тамиль йўлбарслари» ҳукуматга турли йўллар билан таъкиб ўтказишга уринмоқда. Эслатиб ўтамиз, ушбу экстремистик гуруҳ содир этган террорлар оқибатида ўтган йилнинг ўзида 65 киши ҳаётдан кўз юмган эди.

АТМОСФЕРА ВА ИҚТИСОД

Кеча Марокашда иқлим ўзгариши муаммоларига бағишланган халқаро конференция ўз ишини бошлади. Ушбу нуфузли анжуманда дунёнинг 180 мамлакатли, шу жумладан, сайёраимиз атмосферасига кўп миқдорда зарарли чиқитлар чиқарувчи давлатлар рўйхатининг бошида турувчи Россия вакиллари ҳам бор. Атмосферани заҳарли газлар билан «таъминлашда» Россияни ҳам орта қолдирадиган АҚШ одатдагидек «аутсайдерлик» мақомида турибди. Ушбу анжуманининг айнан Африка қитъасида ўтказилишининг ҳам ўзига яраша сабаблари бор. Маълумки, «қора қитъа» экологияга муносабатда ҳеч қандай мажбуриятларни зиммасига олмаган ўнлаб давлатлар жойлашган қитъа саналади.

Ушбу анжуман 1997 йил 12 декабрда имзоланган Киото протоколи изидан давом этаётган еттинчи конференция ҳисобланади. Дунёнинг турли мамлакатларида олти мингга яқин сиёсатчи ва экспертлар иштирок этаётган мазкур анжуманда АҚШ вакиллари одатдагидек кузатувчи сифатида қатнашмоқда. Эслатиб ўтамиз, июль ойида Бонн шаҳрида бўлиб ўтган шундай конференцияда ҳам АҚШ кузатувчи мақомида эди. Буш маъмурияти АҚШ иқтисодиётига салбий таъсирини ҳисобга олиб, ушбу позицияни тутмоқда. Ҳозирда атмосферага чиқарилаётган зарарли чиқитларнинг 33 фоизи АҚШ, 16,4 фоизи Россия, 29,2 фоизи Европа иттифоқи мамлакатлари, 8,3 фоизи Шарқий Европа ва Болтӣ бўйи мамлакатларига, 7,8 фоизи эса Япония «ҳиссаси»га тўғри келади.

АЙБЛОВНИ ТАН ОЛМАПТИ

Душанба куни Гаагада жойлашган БМТ қамқохонаси(1)да сақланётган Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич иши юзасидан Халқаро трибунал яна ўз ишини давом эттирди. Бу сафар собиқ диктатор содир этган жиноятлари юзасидан ўз айбини бўйнига олиши ёки бу айбловларнинг асоссизлигини исботлай олиши керак бўлади. Прокурор Карло дель Понтенинг унга қарши айблов ҳулосаси суд залидан тўлиқ ўқиб эшиттирилди. Шу кун суд Милошевичнинг Хорватиядаги қилмишларини кўриб чиқиш билан бирга дель Понтенинг айблов ҳулосаси таркибидagi Милошевичнинг Косовода содир этган жиноятларини ҳам кўриб чиқиши назарда тутилган.

Милошевичнинг ўзи эса ҳамон айбловларнинг асоссизлигини, ҳатто ушбу трибунални ҳам ноқўнуний деб билишини маълум қилган. Ҳозирда у ўз қилмишларини «Югославия халқини терроризмдан ҳимоя қилганман» дея оқлашга уринаётгани унинг қай даражада давр нафасини қис қилишдан далолат беради.

Интернет хабарлари асосида
Ш. ЁДГОРОВ тайёрлади

ҲАЁТБАХШ ЎЗГАРИШЛАР

ят-процессуал кодекслари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Қўнун қабул қилинди.

Мазкур Қўнун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, энг аввало, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, жиноят тўғрисидаги қўнунчилигимизни демократлаштириш ва либераллаштиришнинг энг ёрқин намунаси бўлди.

Ушбу Қўнуннинг аҳамияти ва ўзига ҳақ хусусиятлари ҳақида тўхталалдиган бўлсак, аввало давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатига мос равишда қўнунчиликга киритилган бу ўзгаришлар натижасида фуқароларга тайинланган жазолар ўлчамлиликда ёки улар жазодан озод қилинмоқда.

Иккинчидан, дастлабки тергов ва жиноятларни судда кўриш муддатларини белгилловчи қўнунларга тўздан ўзгариш киритилди, халқимизнинг урф-одатлари, миллий кадриятларимизга мос бўлган ҳолда биринчи мартаба ярашув ҳақидаги ҳуқуқий нормалар қабул қилинган, жазо тайинлашда муқобил жазо турларини қўлайтириш билан бирга, шахснинг мол-мулкни мусосдара қилиш ҳақидаги жазо тури чиқариб ташланди.

Умуман олганда, жиноятчиликка қарши курашни белгилловчи ҳуқуқий нормалар халқаро андозаларга мувофиқ бўлиши бўйича катта қадам ташланди.

Бу ўзгариш ва қўшимчалар нима-лардан иборат?

Мазкур Қўнунга асосан амалдаги Жиноят кодекси қатор моддаларининг жазо санкциялари, жумладан, 87 та жиноят таркиби бўйича белгиланган жазолар енгиллаштирилди, 26 тасида эса қамқок ёки озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо чоралари чиқариб ташланди.

Аксарият моддаларнинг санкциясига озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан бирга муқобил жазоларнинг киритилиши ўз набабатида судланувчиларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонини танлаш имкониятини беради.

Амалдаги ЖКда ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар 86 тани ёки 18,7 фоизини ташкил қилар эди, эндиликда улар сон 196 тага (ёки 42,8 фоизга) етди.

Аксинча, унча оғир бўлмаган жиноятлар қарийб 2 баравар, яъни 232 тадан 139 тага, оғир жиноятлар 81 тадан 69 тага, ўта оғир жиноятлар 61 тадан 54 тага қамайди. Либераллаштириш натижасида ЖКдаги 73,1 фоиз жиноятларнинг қамқамал жазоси беш йил озодликдан маҳрум қилиш тарикасида белгиланди.

Жиноятларнинг 46 та таркиби бўйича уларнинг санкцияларида кўзда тутилган жарима миқдори оширилди, 12

● ХАР КИМКИ ЁМОН БЎЛСА...

ЖАҲОЛАТ ҚУРБОНИ

Дунёда яхшилик билан ёмонлик ёнма-ён юради. Уларнинг қай бирига йўлдош бўлиш эса, бизнинг ўйриғимизда. Зеро, беш қулиқ дунёда яхшилик қилиш қони савобдир. Аммо, таассуфлар бўлсинки, бешта бармоқ бир хил бўлмаганидек, орамизда нопок, жоҳил одамлар ҳам бор.

18 ёшли Ўғилбой ўз ота-онаси бағрида бошқа дугоналари сингари ўйнаб-қилиб вояга етди. Урта мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, Хатирчи туманидаги 2-сонли касб-хунар билим юртига ўқишга кирди. Кейинчалик келинлик орзу-хаваслари дегандай... Буюкда со-вчилар ҳам кетма-кет келавериб, кўз очиргани кўймасди. Нима ҳам дея оларди. Қиз бола палахмон тошиди гап-да! Ниҳоят уни Катта-сой қишлоғида яшовчи Ойбек Сайитовга узатишди. Ўқишини кўв-ниқидан қатнаб давом эттираве-сан, дейишди унга ота-оналари. Нолиб нима қилади? Кувё бўлиш келишган, эсли-хушлидек туюлди. Қайнона-қайнотаси ҳам рисолада-гидек. Ўғилбой дастлабки кунлари-данок ёлиб-югуриб янги хонадон-нинг хизматини қилишдан, улар-нинг иззат-хурматини жойига қўйишдан чарчамасди.

Аммо орадан кўп вақт ўтмай ҳеч қаерда ишламайдиган, топиш-ту-тишининг тайини йўқ кувё бола янги «хунар»лар қичира бошлади. У деярли ҳар кунни уйга ғирт маст ҳолда келар, Ўғилбойни бекордан-бекорга калтаклар, хўрлар эди. Ойбекнинг ота-онаси эса ўғлини бу йўлдан қайтарайлик дейишмас-ди.

Кейинроқ у Ўғилбойнинг стипен-диясини олиб қўядиган, йўлкира учун ҳам пул бермайдиган бўлди. Келин ўтказётган ҳеч бир кунини кўзлари кўкармаган, аъзойи бада-нида оғриқ туймаган ҳолда тасав-вур эта олмасди. Мана шундай қийноқлар, аламлар гирдобиди яшарди у.

Ўғилбой ҳар сафар ота-онасини-кига борганида бу ҳақда ҳеч нарса айтмаслиққа, сездирмаслиққа ури-

нард. Кунлардан бир кунни унинг ўқишга пиёда қатнаётганини сез-ган ота безовта бўлди, юраги си-қилди.

Йўқ, Ўғилбой бундай хўрликлар-га, ситамларга ортиқ бардош бера олмасди. У ҳаммасини оқизмай-томизмай ота-онасига айтди. Бирон-бир чора кўришар, дея умид қилди. Лекин ота-она ҳар сафар узок на-сиҳат қилишар, ҳаёт қуриш шўнақа оғир кечини қайта-қайта таъ-қидлашарди. Фақат бир мартагина ота-онаси унга азбаройи ачинган-лариданми, ишқилиб, уйда олиб қолди. Аммо беш-олти кун ўтиб отаси яна Ўғилбойни ёнига олди-да, қудасиникига йўл олди. Масала тингинга ҳал бўлди. Ойбек узр сўра-ди, бошқа уриб-сўқмаслиққа сўз берди. Совчиликка борган Тош-ниёз ака, Қандолат опалар орага тушибди, кувё болага насихатлар қилишди. Уришшди, тергашди. Хуллас, Ўғилбой яна шу хонадонда қолди.

Афсуски, Ойбек ўзгармади. На-сиҳатлардан тўғри хулоса чиқар-мади. Аксинча, хотинини баттароқ қийноққа сола бошлади. Рўзгорда-ки ишларидан нўқсон топиб уни аёвсиз калтаклайверди, азоблай-верди, ичкиликка ружу қўяверди. Ҳар нарсада ҳам ниҳоя бўлгани-дек, Ўғилбойнинг ҳам сабр қоса-си тўлиб кетди. «Бу дунёда мени ҳеч ким тушунмаса нима қилай? — ўз-ўзича йигларди Ўғилбой. — Ота-онам оқ-нолаларимга қулоқ сол-маса, эр бўлиб бу киши инсофга келмаса...»

Уша машъум кунни тушлик вақти эди чамаси. Ойбек ўша кунни нега-дир ичмади. Худо инсоф берган-дек эрталабданок отасининг пуд-рат ерида бироз ишлаган бўлди-ю,

тушлик баҳонасида уйга қайтди. Келди-ю, хотинининг қаердалиги-ни суриштирди.

— Оғилхонани тозалаб юрган бўлса керак. Айтганча, ҳаво исиб кетди. Молларни оғилга олиб кир-санг-чи! — деди онаси.

Ойбек шошиб бориб оғилнинг эшигини очди...

Не кўз билан кўрсинки, Ўғилбой у ерда жонсиз ҳолатда эди. Ойбек эса шу тобда нима қилишини, қаер-га бош уришини билмасди.

Тергов жараёнида Ойбек Сайи-тов ўзига қўйилган барча айблар-ни, жумладан марҳума хотинини ҳақиқатан деярли ҳар кун қаттиқ калтаклаганини, камситганини, хўрлаб азоб берганини тан олди. Суд ҳукмига кўра у 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганди.

Бирок шу ерда бир ҳақли савол туғилади. Майли, айбдор жазоси-ни олди. Демак, айтиш мумкинки, адолат қарор топди. Марҳума Ўғилбой-чи?.. Уни ахир энди ҳаётга қайтариб бўлмайди-ку?!

Саволлар жавобсиз. Воқеанинг фожеали тарзда яқун топишга эҳтимол Ойбекнинг билимсизли-ги, ҳаётни енгил-елпи тушуниши, атрофдагиларнинг лоқайдлиги, «менга нима» қабилда иш тутиши сабаб бўлгандир. Дўппини бошдан олиб чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, фожеа газак олмасдан ту-риб уни яхшилик билан ҳал этса ҳам бўларди-ку. Бунинг учун қиш-лок оқсоқоллари, маҳалла кўмитаси фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идо-ралари ходимлари ёшлар ўртаси-да тушунтириш ишларини рисола-дагидек олиб боришлари керак эди.

Алал-окибат ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилиб улгурмаган ёшга-на келинчақ бу фаний дунё билан хайрлашди. Унинг орзулари ушал-масдан орзулигича қолиб кетди. Ортидан ота-онаси, яқинлари, қариндошлари бўзлаб қолди.

Комил ЖУМАЕВ,
Хатирчи тумани жиноят ишлари
бўйича суд раиси
Улўғбек ЖУМАЕВ,
журналист

Тешиқ қулоқ: ҳар кун ҳар хил хабар эшитамиз. Яхши гапдан суюниб, ёмонидан қуянади одам. Эл-улус бай-рам тараддуида юрган 31 декабрь кунни шаҳарда гап тарқалди:

— Эшитдингизми, Машарип ота вафот этибди.

Юзига фотиҳа тортган одам борки, бир сўраб олади:

— Қайси Машарип?

— Анави, одамларга процентга пул берадиган Машарип ота бор эди-ку, қўшниси Света билан никоҳсиз яшаб юрадиган, ўша...

Жавоб сўровчини қониқтиради. Бошлар чайқалади, негалигини би-либ бўлмайди.

— ... Ўлдириб кетишибди бечорани.

— Негачи?

Марҳумни кетидан ёмонлаш, ёлғон гапириш, фол очиш дуруст эмаслигини яхши билган сўзловчининг сўзлаш иштиёқи устун кела-ди-да, ваҳимали ҳикоясини бошлайди...

● АФСУС

БОБОНИНГ НАБИРАСИ

«Қиш» — шовуллаб чиқади тишнинг орасидан. «Ш-ш-ш-ш» дея шамолга тақлид қиларкан, кишининг эти жунжикиб кетади баъзан. Аслида бу совуқлар одамзотга писанд эмас. Эшитганда эт жунжикиб кетадиган ҳодисалардан ўзи асрасин. Аммо тақдирда бўлса...

Ярим тун, жами жонзот уйқуда бўлишига қарамай ўзини дарвозага урган қўлаганинг кўзи ёнади. Дарвоза берк, эшик ҳам илик. Қизик, кунда келиб юрадиган ҳовлисига қароқчилардай девордан ошиб тушади энди.

Ҳаётда қим яхши яшашни истамайди дейсиз? Одамларнинг эртадан кечгача қўмаланиши бекоргами? Фаровон турмушга эришиш пулни шақирлатиб санашдай осон иш эмас. Бу йўлнинг паст-баланди, ўзига яраша тўсиқлари бор. Бу тўсиқлардан ўтишга хоҳиши йўқ қўлага қўзланган мақсадга девор ошиб етиш мумкин деб ўйлади.

Пусиб келиб айвон деразасини итариб кўрди — берк. Кейингисининг зулфини илинмаган экан. Итарганида бир томонни очилиб кетиб, деразада турган тикув машинасига теги. Тарақлаган товушдан афсус-лана бошлаган эди ҳамки, ичкаридаги хонанинг чироғи ёниб, эшикда бир чол кўринди.

Чолнинг кампири қаёқо қилиб, қизларини турмушга чиқариб, ўғлини уйлантиргани-ю ҳовлида ёлғиз яшаши қўлагага аён эди. Эҳ-ҳе, унга яна кўп нарсалар аён...

Чол қўлида фанар билан ташқарини кузатди. Бориб оғилнинг эшигини, ҳожатхонани, бурчакларни текшириб кўрди. Бу вақтда қўлага қандай қилиб ошхонага кириб қолганини ўзи ҳам билмайд.

Одамлар умр бўйи ёруғликка интилсалар, у зулмат қўйида тизза-сини қучоқлаб утираркан, бу дақиқалар узок, жуда узок давом этишини истар эди. Шу пайт нимадир чирқ эди. Электр чироғи хонани чарогон қилди-ю остопада турган чолнинг тунд юзи янада тундлашди: у қўлагани таниган эди.

Машарип ота сўқиниб невараси томон югурди. Бобо неварани шунчаки қойиб қўймоқчи, нари борса бир-икки шалпоққ урмоқчи бўлгандир. Ахир унинг уйдан пул-мул ўғирлаб туриши, пул топилмаса майда-чўйда буюмларини сотиб юбораётганини билади-ку.

Искандар эса стол устидаги пичоққа ёпишди. Кейин чолнинг бада-нига тикиб олди, ҳатто дарвоза томонга қочганида ортидан етиб бориб яна тикди, тикаверди...

Қизик, бир отанинг болалари-ю, укаси Валининг қонни кўрса кўнгли айнибди, у бўлса совуққонлик билан ваннахонага қориб юз-қўлини ювди. Меҳмонхонага ўтиб, ўзи билган жойдан калитни олиб, шкафни очди. Кўзига чўгдек кўринган таниш портфелдаги 167 минг сўм пулни олди. Шкафдаги бир жуфт янги туфли ҳам эътиборидан четда қолмади.

Шу кеча такси тутиб, катта шаҳардаги темирйўл вокзалига йўл олди. Эртасига одамлар, онаси, ака-укаси Машарип отанинга азага йиғил-ганида у шаҳардаги ўйинхонада компьютер ўйнаб ўтирарди.


Жиноят изини қувалашнинг тутқич бермай кетган қотиллар ҳақида детектив китобларда кўп ўқигансиз. Бироқ ҳаётда бунақаси камдан-кам бўлади. Юқорида ҳикоя қилинган жиноятни содир этганликда гумон қилиниб қидирилатган Искандар Хўжаевни излаб укаси Вали ва укачка нозир у доимий танда қўйиб олган жойга борганларида Искандар бутун фикри-ёди билан компьютерга шўнғиган эди.

Дастлабки сўроқдаёқ айбига иқдор бўлди.

Суднинг ҳукми билан 1983 йили туғилган, тарбияси оғир ўсмирлар рўйхатида турувчи И.Хўжаев Жиноят кодексининг қатор бандлари билан айбни деб топилиб, 13 йилга озодликдан маҳрум этилди.

У тарбия топган муҳит ва ҳодиса хотимаси одамларни ҳушёр торттирса ажаб эмас.

Ҳасан НИШОНОВ,
«Хуқуқ» муҳбири




ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИНИ
ЎРГАНИШ КУРСИ

Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги фармойишига асосан шу йил 1 сентябрдан бошлаб улуқсиз таълим тизимида ҳуқуқий билимларни ўрганиш ав-вало Конституциядан бошлани-шга эътибор қаратилади.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқитиш ва таълим-тар-бия ишларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса олимларимиз тизимасига тегишли ўқув пред-метларининг дастур ва дарслик-

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси «Фан»
нашриёти яқинда таниқли
ҳуқуқшунос олим Рустам Му-
хамедовнинг «Конституция -
никоҳ ва оила муносабатла-
рининг ҳуқуқий асоси» номли
қўлланмасини чоп этди.

Ўзбекистон Республикаси
фан арбоби, академик Ҳожи-
акбар Раҳмонкулов ҳамда
юридик фанлар номзоди Фах-



АСОСИЙ ҚОНУН ҲАҚИДА СЎЗ

ларини, ўқув қўлланмаларини ҳозирги замон талаби ва илм фаннинг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, янгилаб бориш вазифасини юклайди.

Шунга асосан М. Рустамбоев, Ҳ. Бобоев, А. Саидов, Ф. Абдулжодидов ва бошқа таниқли олимлар ҳам-муаллифлигида Олий ва ўрта махсус таълим вазирли-ги бакалаврият босқичининг ноиридик йўналишлари учун «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрга-ниш» ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди. («Ўзбекистон» нашриёти, 2001 йил)

Қўлланмада Конституциянинг мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича бир қатор назарий ва амалий муам-молар ўртага ташланган. Муаллифлар Конституция меъёруларини ҳаётга татбиқ этиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан бир қанча фойдали тақлифлар билдирганлар. Шу жиҳатдан бу ўқув қўлланмаси асо-сий қонимизнинг ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Ф. НАМАЗОВ,
юридик фанлари номзоди

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА



ри Раҳимовлар тақриз ёзишган ушбу қўлланмада Ўзбекистон Республикасидаги никоҳ ва оила муно-сабатлари Ўзбекистон Конституцияси ҳамда амал-даги қонунлар асосида содда ва лўнда баён қилиб берилган.

Қўлланма мундарижаси ўнча банддан иборат бўлиб, уларда никоҳ ва оила муносабатлари доира-сида юзгага келиши мумкин бўлган барча ҳолатлар, ўзаро болалар тарбияси, ота-оналарга муносабат борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга оид масалалар жуда мукаммал қамраб олинган. Қўлланма маҳалла йиғинлари раислари ва қотиблари билан бир қатор-да никоҳ ва оила борасида иш кўрадиган ФХДЕ ходимлари ва судьялар учун ҳам муҳим дастурилла-мал бўлиши шубҳасиздир.

Йўлдош ПАРДА

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА



«ХОРАЗМ МАВЕРА ПЛАСТ»

Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонаси

*Ўзингиз ва офисингиз кўркамга кўрк
кўшадиган замонавий, шинам ва
юқори сифат билан ишланган
мебелларни тақдир этади.*

Манзил: Хива ш., Куюк кўл п.
Тел.: (36237) 63089, 63090.
Тошкент ш., Лутфий кўчаси, 41.
Тел.: (3712) 74-20-46, 74-29-29, 75-16-19.

SARKOR

**КОМПЬЮТЕР ВА
ПРИНТЕРЛАР,
ИНТЕРНЕТГА БОҒЛАНИШ**
Тел.: 132 - 00 - 00

«SAMSUNG»
қиш - ёз
кондиционерлари

«СИНТА» фирмаси «SAMSUNG» компаниясининг қиш-ёз
кондиционерларини харида қилишга тақдир этади.
Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўчаси, 18.
Тел.: 50-47-67.

«РАҲБАР ОНА СИЙМОСИ» фирмаси

Музлатгичлар, кондиционер ва қир
ювиш машиналарини тез ва сифатли
таъмирлаб беради. Шунингдек, оқ халат-
ларни пул ўтказиш йўли
билан сотади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Берилий кўчаси, 12-уй.
Телефон: 46-96-87.

«РАВШАН» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

ТЕЗ ВА ИШОНЧЛИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТАДИ.
**ҲАР ҚАНАДАЙ ЮКИНГИЗНИ ИСТАЛГАН МАНЗИЛГА
ЎТКАЗИБ БЕРАДИ.**

Манзил: Ўрикзор даҳаси, Обводная кўчаси. Мўлжал: 18-автопарк.
Телефонлар: 47-03-06, 47-05-55.

**Шторы,
Занавеси,
Жалюзи**

**В ВАШЕМ ДОМЕ -
ПОЛОВИНА ИНТЕРЬЕРА.**
Пусть она будет лучше!

Адрес: г. Ташкент, Миорабад, р-к, 2-й этаж, салон «Parda»,
чп «Қодиржон бизнес».
Тел.: 54-88-89, 54-57-17, 152-72-11, 78-69-44 (веч.)

«ШИШКИН» фирмаси

**Автомашиналар
учун эҳтиёт
қисмлар сотади.**
Ҳақ тўлаш исталган усулда.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Чилонзор кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 78-77-29, 77-72-72.

ATL A SYSTEM INTEGRATION COMPANY

Наш адрес:
700100, г. Ташкент,
ул. Бобура, 20
ком. 220.
Тел.: 54-26-46.
Факс: 53-26-06.
e-mail:
atlcomp@online.ru

Вычислительная техника
Обслуживание
Программное обеспечение

Консалтинг
Сети
Периферия

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«БЕРК Ко. ЛТД»**Ўзбекистон - Америка - Туркия корхонаси****Хонадонингиз учун зарур бўлган қуйидаги маҳсулотларни харид қилишни таклиф этади:**

№	Маҳсулот nomi	Тури	Маркаси	Ўлчам (см.да)	Ранги	Сони	Баҳоси (сўмда)
1	Ванна (якузи)	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	150 x 150	ҳар хил	дона	244375
2	Ванна (якузи)	Стекловолокна	«TEKNOMER»	150 x 150	ҳар хил	дона	230000
3	Ванна	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	170 x 70	ҳар хил	дона	115000
4	Ванна	Стекловолокна	«TEKNOMER»	170 x 70	ҳар хил	дона	93437
5	Ванна	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	154 x 70	ҳар хил	дона	100625
6	Ванна	Стекловолокна	«TEKNOMER»	154 x 70	ҳар хил	дона	79062
7	Раковина (Польша)	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	154 x 70	ҳар хил	дона	50312
8	Бурчакли ванна	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	80 x 80	ҳар хил	дона	35937
9	Бурчакли ванна	Стекловолокна	«TEKNOMER»	80 x 80	ҳар хил	дона	35937
10	Стул	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	82 x 82	ҳар хил	дона	50312
11	Спекна уюл стол	Мар-р қоплама	«TEKNOMER»	100 x 63	ҳар хил	дона	73062

**Манзил:**

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Гавҳар
кўчаси, Юқори-Дархон, 4.

**Телефонлар:**

(998712) 79-94-42.

Fax: (99871)

117-51-30.

E-mail: berkuz@
online.ru**«КАВСАР»**булок сувари
табнатдек мусавффо!**ABK** фирмасининг маҳсулоти

Baxt-Bilol Ice cream-cake
Exotic
МУЗҚАЙМОҚЛАР ОЛАМИ

Биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлганларни қуйидаги манзилда кутамиз:
Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 26. «Baxt-Bilol» корхонаси

Газоносилки **ALPINA**
Электроинструмент
BLECK & DECER
DeWALT

Телефоны: 77-26-64, 173-24-55, 117-17-33. Фирма «Baxchi saroy».

Jp JANPLAST

**АЛЮМИНИЕВЫЕ
ВИТРАЖИ ОКНА
любых размеров и конфигурации
ДВЕРИ ПЕРИЛА**

ЗЕРКАЛА
для дома и офисов

**РАЗЛИЧНЫХ
ФОРМ И РАЗМЕРОВ И ПО
ИНДИВИДУАЛЬНЫМ
ЗАКАЗАМ**

ТОНИРОВАННОЕ СТЕКЛО
р-ром 1300 x 1600 мм. Толщиной 4,6 мм.

КРАСКА для наружных
и внутренних работ
ЛЮБАЯ ГАММА ЦВЕТОВ

Тел.: (998712) 79-82-20. Телефакс: (998712) 79-95-52.
Наш дилер: ООО ПКФ «DIES - SERVIS»
Тел.: (998712) 162-86-26, (99871) 169-07-00

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

СТРОИТЕЛЬНО - ОТДЕЛОЧНЫЕ МАТЕРИАЛЫ

ОТ УЗБЕКСКО-АМЕРИКАНСКОГО СП «BUILDING TECHNOLOGIES»

PHILIPS

ПОДВЕСНЫЕ ПОТОЛКИ: «Armstrong» 5 видов, гипсовый «G.P.S.» 16 видов. **ОБОИ «AS CREATION»** про-ва Германии. **СВЕТИЛЬНИКИ:** растровые, 2,3,4-ламповые; Точечные про-ва «PHILIPS». **ЛИНОЛЕУМ «Armstrong»** 12 видов. **КОВРОЛАН** про-ва Бельгии. **САНТЕХНИКА** про-ва Чехии. **ПРОВОДА ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ ЭЛЕКТРОДЫ СВАРОЧНЫЕ** постоянного и переменного тока. **КАФЕЛЬ НАСТЕННЫЙ, НАПОЛЬНЫЙ** про-ва Чехии, 20 видов. **ОХРАННО-ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ** от фирмы «PHILIPS», видеонаблюдение офисов, предприятий, звукоусиление объектов, станций. **НАПОЛЬНАЯ ПЛИТКА ПВХ** про-ва Англии 19 цв. **ОКОННЫЕ И ДВЕРНЫЕ СИСТЕМЫ** из высоко-го **ПРОФИЛЯ ПВХ** про-ва «VEKA».

ЛУЧШИЕ ТОВАРЫ

ARMSTRONG

ЦЕНЫ ДИСТРИБЬЮТОРСКИЕ, ОПТОВИКАМ СКИДКИ

форма оплаты - любая

ЛИКА

ДОСТУПНЫЕ ЦЕНЫ

СУХИЕ ОТДЕЛОЧНЫЕ СМЕСИ:

Высокопрочный водостойкий плиточный клей
Монтажный клей для плит из гипсокартона
Шпатлёвка
Фасадная шпатлёвка
Выравнивающая шпатлёвочная смесь
Высококачественная штукатурка

СПЕЦИАЛИСТЫ ФИРМЫ:

Произведут высококачественный монтаж потолков, освещения и плиточного напольного покрытия, рам, витражей или полный комплекс отделочных работ по договорным ценам в самые короткие сроки.

г. Ташкент, ул. Нукус, 89. Тел.: 152-62-42, 54-82-47. Факс: 152-3113. E-mail: btrans@maytov.com

ШУКРОНА

ТАДБИРКОРНИНГ ОНАСИ

Аёл. Бу сўз замирида олам-олам маъно бор. Унинг юрагида муқаддас туйғулар мангу ёниб туради. Аёл бу она, фарзандига меҳр бергучи энгилмас куч. Юрт учун муносиб фарзанд бўлишга чорловчи йўлбошчи. Қисқаси, оналар ҳақида қанча гапирсак оз. Волидалар ҳақида гапирвериб чарчашибиз мумкин, лекин оналар меҳр беришдан ҳеч қачон чарчамайди. Саксондан ошиб, тўқсонга етсалар ҳам юз билан юзлашиб асрга тенглашалар-да фарзандим дейдилар. Бугунги мустақил юртимиз қаҳрамонлари ҳам оналардир. Бугунги дориломон кунлар оналаримизнинг ҳам меҳнати, заҳмати, дуоси самарасидир.



Мақоламиз қаҳрамони Рисолатхон ая Саидхонова ҳақида гап кетаркан, беихтиёр у кишининг ҳаёти ҳақида билгинг келади. Умр бўйи халқ хизматида бўлган меҳрибон ва дилкаш онахон ҳаётнинг кўплаб аччиқ-чучугини татиган. Ўн фарзанднинг онаси Рисолатхон ая дориломон кунларда фарзандларини дуо қилиб яшайди. Халқ учун хизмат қилган инсон озод юртимизда бенаиб қолмайди. Президентимиз Ислам Каримовнинг фармони билан аянинг «Шўҳрат» медали билан тақдирланганлиги ҳам бунинг намунасидир.

Рисолатхон ая собиқ тузум жабрини чекканлардан. Ўттизинчи йилларда қатагон аини авжига чиққан паллада у кишининг отасини халқ душмани сифатида қамашган. Рисолатхон ая у кунларни армон билан эслайди.

— Отам Отахонтўра қатагон қўрбони бўлганидан сўнг, ота меҳридан бебаҳра қолдик. Шароит огир эди. Барчасига чидаб келдик. Бу каби таъйиклар 60-йилларда ҳам бўлган. Аниқ эсимда, бир кун тўнғич ўғлим Собирхонни далада ўқитувчиси пахта уюми устига чиқариб: «Сенлар ҳамиша давлатга қарши бўлгансанлар, ҳозир Ленин ҳақида шеър айтасан», деб турганида ўзим бориб қолдим. Дардим ичимда эди. Ушанда Собирхон 6-синфда ўқирди. Буни қарангки, бу гапга чидалмаган ўғлим ўқитувчининг бошини тош билан уриб ёрди. Ҳозир шу ўғлим кўзга кўринган тадбиркор. Карвонсарой барпо этиб, неварам Сардорхон номи билан атади. Тадбиркорлик ҳам осон иш эмас. Ўғлимнинг муаммоларини ижобий ҳал қилишга ўша пайтда Республика маҳалла жамғармаси раиси Бектош Раҳимов катта ёрдам қилдилар. У кишидан миннатдоримиз. Ўғлим қилаётган ишларни кўриб, хурсанд бўлдилар. Собирхон эл-юрт учун хизмат қилиб халқ дуосини олиб юрибди. Бундан мен фойдаланаман. Келажикда халқ учун мактаб қуришни мўлжаллаб турибди. Халққа хизмат қилсан деб ўзим фотиҳа берганман. Президентимиз Ислам Каримов юртимизни улкан имкониятлар мамлакати деб бежиз айтмаган. Халқ учун хизмат қиладиган даврлар келди. Ёшим ўтиб қолган бўлса-да, қарилгининг ҳам ташти бор экан. Ўнға фарзандим, олтиништа неварам, ўн тўртта эварам бор. Улар ҳам шу юрт учун хизмат қилсин дейман.

Рисолатхон аянинг гаплари ҳақиқат. Дориломон кунларнинг қадрига етиб яшамқор ҳар бир инсон учун бурч бўлимоғи керак. Халқ хизматида бўлиш олий ҳимматдир.

Шокиржон АХРОРОВ

«ДИА»НИНГ ОДИМЛАРИ

Маълумки, кейинги вақтда юртимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилямоқда. Ишбилармон ва тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун янгидан-янги имкониятлар очилаяпти. Анча йиллардан буён тадбиркорлик билан шугулланаётган киши сифатида бундай тўхтамга келишимга қатор асослар бор. Жумладан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг янги усули жорий этилганлиги, дастлаб иш бошлаган бундай корхона ва хусусий тадбиркорларга жуда қўлай бўлган банк кредитларининг жорий этилганлиги ҳамда солиқ борасидаги имтиёзлар шулар жумласидандир.

Мен раҳбарлик қилаётган ДИА хусусий корхонасига 1995 йилда асос солинган. Корхонани маҳаллий шарт-шароитларни ҳамда бозордаги эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда ташкил этгандик. Фаолиятимизни белгилash чоғидаёқ адашмаган эканмиз, биз тайёрлаган маҳсулотлар харидоригр бўлиб, мижозларимиз сони тобора кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда фирмамиз томонидан турли материаллардан тайёрланган дарвозалар, эшик ва ромлар, нозик дид билан ишланган тўсиқлар кўплаб корхона ва ташкилотлар, хусусий хонадонлар ҳуснига-ҳусни қўшиб турибди. Жумладан, уяли алоқа хизмати кўрсатувчи «Уздунобита» қўшма корхонаси, «Қўйлик», «Фарход» ва «Қадишев» бозорлари, Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси тўсиқлари бизнинг фирмада тайёрланганлиги билан гурурланамиз.

Айни вақтда корхонамиз тўлақонли фаолият юритиши учун зарур бўлган барча асбоб-ускуна ва материаллар билан етарлича таъминланган. Пойтахтимиздаги «Локколорсинтез» қўшма корхонаси, «Бекобод металл заводи» билан ўзаро манфаатли алоқа ўрнатганимиз бу борада айниқса жуда қўл келмоқда.

Ҳозирги вақтда эса корхонамизни заводга айлантириш устида иш олиб бормоқдамиз. Бу мақсадимизни амалга оширсак, унинг шўъба корхоналарини ҳам ташкил этамиз. Қисқаси, шу йўл билан аҳолига хизмат кўрсатиш кўламини янада оширамиз.

Игор ЖУРАБОВ,
«ДИА» хусусий корхонаси раҳбари

INSTRUKTASIZ ISHDA KIRISHMA

НЕ ПРИСТУПАЙТЕ К НОВОЙ РАБОТЕ БЕЗ ИНСТРУКТАЖА

«VALAKAT»

фирмаси меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича плакатлар, йўриқномалар, журналларни тақлиф этади.

Манзил: Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси, 1-проезд, 7-уй, 307-хона.
Тел.: 5343111, 1876935, 534361, 534315, 1916935



«РУСТА - ҚАНДОЛАТ»

«Руста - Қандолат» масъулияти чекланган жамияти турли туман ишчиликлар, қандолат маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан озиқ-овқат дўконлари, умумий овқатланиш шахобчалари ва тадбиркорлар билан шартномалар тузишга таълиф этади. Ҳақ тўлаш истаган усулда амалга оширилади.

КОРХОНА МАНЗИЛЛАРИ:

Тошкент ш., Маннон Ҳусур кўчаси, 23-уй.
1-дўкон. Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Янги шаҳар маҳалласи.
2-дўкон. Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Марказ - 27 маъноси, Бог кўча даҳаси.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(3712) 42-34-45, 42-72-50.

ХАЛҚАРО «ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ
РАҲБАРЛИК ЛАВОЗИМИДА ИШЛАШ
ҚОБИЛИЯТИ БЎЛГАН, ТАШКИЛОТЧИ
КИШИЛАРНИ ИШГА ТАҚЛИФ ЭТАДИ.

Телефонлар:
(371) 144-41-57; соат 16 дан кейин (3712) 50-45-44.

● ХАЖВИЯ

ПУЛ ЎЛСИН-А ...

Пул ота билан боланинг ўртасини бузади, дейди кексаларимиз. Буни эшитганда, «ха, пул жуда ёмон нарсаскан», деган хаёлга борасан киши. Пул бўлса чангалда шўрва, деган мақолни эшитганда эса пулнинг катта қудратга эга эканлигига, унинг ёрдамида ҳатто кимсасиз чангалзорда ҳам шўрва топиб ичиш мумкинлигига имон келтирасан.

Хўш, пулнинг ўзи нима? Буюк мутафаккирлар, улкан ёзувчилар пул ҳақида нима дейишган?

Ойбек домла ўзининг «Қутлуг қон» романида Мирзакаримбой тилидан пул ҳақида шундай деб ёзади: «Пул ҳамма нарсанинг отаси. Пул белга қувват, бошга тож. Пулдор одам — қанотли одам. Бу қанот билан магрибдан машриққа учасан, ҳар ерда ошна-оғайни, дўст-ёр топасан...»

Ўзбек халқ мақолларида «Пул тилини бийрон, дастни дароз қилади», «Пули борлар йўрга-йўрга, пули йўқлар зўрга-зўрга», «Пул тугамай ақл кирмас» дейилади.

Олмон халқ мақоллари ичида ҳам пул хусусида кўпгина гаплар бор экан: «Пул аралашган жойда, дўстлик тугайди», «Пул бераман десанг, шайтон ҳам рақсга тушади», «Пул барча чўнтақларга бир хилда ярашади», «Пулни пул қақиради», «Пул гапирган жойда ақл тилини тишлар» ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, «Пул энг яхши маҳсулот, қишда ҳам, ёзда ҳам унга нисбатан бўлган талаб ва эҳтиёж тугамайди».

Поляклар ўз мақолларидан бирида «Пулни кўпчилиги кишини ишқмас ва танбал қилиб қўяди», деб таърифлашса, литвалар тўғридан-тўғри «Пул — қаҳри қотил», деб гапни қисқа қилишади. Фридрих Ницше 1880 йилда уни «Пул ҳокимият қўлидаги лом», деб тасвирлаган экан. Вартбургликлар ҳаммаша «пулдор бўлсанг, дўстинг кўпаяр», деб юришади. Ҳ.Абшатц деган олмон олими пулни тасвирлар экан, «Пул ҳамма ишларда устаси фаранг, айниқса, «йўқ, бўлмайди»ларни «хўп, бўлади»ларга айлантиришда унга тенг келадигани йўқ» деб ёзади. Буюк рус ёзувчиси Лев Толстойнинг фикрича эса «Пул қўлининг янги бир кўринишидир». Эраимиздан аввалги 300 - йилларда яшаб ўтган Афлотун (Платон) «Пул фақат товар айирбошлаш жараёнида фойдаланиш учун ўйлаб чиқарилган нарсалардир» дейди. Таниқли инглиз адаби Бернард Шоунинг 1920 йилда айтган гапига қараганда, «Пул ҳисоб-китоб қилиш воситаси бўлиб, ҳаётдаги ижтимоий тақсимотни амалга ошириш имконини беради». А.Шопенхауернинг фикрича эса «Пул одамларнинг абстракт бахт-саодатидир, кимда-ким ундан конкрет лаззатлана олмаса, бутун борлигини унга бахшида этишга мажбур бўлади».

Эраимиздан аввалги тўрт юзичи йилларда яшаб, ижод қилган Софокл (ўзбекчаги Сафокул бўлса керак) пулни «инсоният гарданидаги энг катта таъки лаънатдир», деб тасвирлаган бўлса, португалияликлар «Пул барча нарсаларнинг мезонидир», деб қўлларга кўтарган. Шу аснода бир латифа ёдимга тушади: «Бир талаба дадасига қўнғироқ қилади:

— Дада, бироз пул жўнатсангиз.

— Пулни нима қиласан, ўғлим, ахир дунёда пулдан ҳам яхшироқ нарсалар бор.

— Гапларингиз тўғри-ку-я, дада, аммо ўша пулдан ҳам яхшироқлар билан кинога тушиш, уларга муқаймоқ олиб бериш учун барибир пул керак-да». Бундоқ ўйлаб кўрайдиган бўлсангиз, бу дунёда ҳамма нарсаси мўл-кўл, етарли, фақат шу зорманда пул етишмайди. Кимни кўрманг, кимдан сўраманг, «ақлим кам, етишмаяпти», деб шикоят қилмайди, «пулим етишмаяпти», деб зорланади.

Пул тўғрисидаги ушбу бир-бирига зид фикрларни ўқийвериш, «домла ҳам роса пулга тўзқ қўйганлардан экан», деган хаёлга борган бўлсангиз, бошингиз ҳам оғриб кетган бўлса, ажабмас. Аммо ана шу бош оғриғини даволаш учун ҳам пул керак-ку.

Энди менга келадиган бўлсак, нима дейишимиз мумкин, ҳар бир ёзувчи бирон нарсаси ёзганида қалам ҳақидан умидвор бўлгани сингари... Очигини айтганда, беш кило юк кетадиган битта тўрхалтам бор... Йўқ, йўқ, ҳаргиз бундай хаёлга борманг, мен сиз ўйлаганчалик «пулга муқасидан кетган, пул деса ўзини томдан ташлайдиганлардан» эмасман. Тўрхалтани пулга тўлдириб берасизлар дейиш умуман хаёлимга ҳам келгани йўқ. Менга яримгинаси ҳам етади.

Йўлдош ПАРДА

Қутловлар

Қадри Рафоат опа!

Сизни таваллуд айёмин-гиз билан чин дилдан қутлай-миз. Сизга узққ умр, мустаҳ-кам соғлиқ тилаймиз. Оллоҳ ҳаммаша сизни ўз паноҳида асрасин.

Анвар ака билан қўша-қариб, фарзандлар қамолни кўриш насиб этсин.

Жиянингиз

Абдурахмонхўжа, келинингиз

Муқаддас

Тошкент шахри

Ҳурматли Дилшод Мамадалиев!

Сизни 5 ноябр — таваллуд кунингиз билан табриқлай-миз. Сизга узққ умр, сиҳат-саломатлик, битмас-туган-мас бахт тилаймиз.

Ҳаётда нимаки орзуин-гиз бўлса, барчасининг уш-лишида талақдошимиз.

Синфдошлар номидан

Илхом ГУЛМАТОВ,

Сирдарё вилояти

Моҳият

Энг буюк истеъдодлар-ни ҳам бекорчилик маҳв этади.

М. МОНТЕНЬ

Ўқувчилар ПРОКУРАТУРА КУБОГИ СОҲИБИ

Хоразм вилоят прокуратурасида турли спорт мусобақалари ўтказиш аънаанага айланган. Эндиликда спорт ўйинлари иштирокчилари сафи ва ўйинлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Яқинда Ўрганч шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида вилоят прокуратураси кубоги учун футбол мусобақаси ўтказилди. 25 та жамоа иштирок этган ушбу турнирда 13-ўрта мактаб ўқувчилари барча ўйинларни муваффақиятли ўтказиб голибликни қўлга киритдилар. Турнир сўнггида голиб жамоалар ва яшил майдонда энг яхши ўйин кўрсатган ёш футболчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

(Ўз мухбиримиз.)

ЎЗИГА ХОС РЕКОРД

Англиянинг Хертфордшир графлигида яшовчи Иэн Эшпоул пуфлама шарлар ёрдамида ҳавога кўтарилиш бўйича янги рекорд ўрнатди. У 600 та оддий резина пуфаклар ёрдамида 5 чакрим баландликка кўтарилиб, парашют билан ерга қўнди. Бу борадаги илгариги рекорд ҳам Эшпоулга тегишли бўлиб, 1996 йили у 3000 метр баландликни забт этган эди. Вақти келиб Эшпоул яна парвозга шайланса ажаб эмас.


Газетамизнинг навбатдаги сони 14 - ноябрь куни чиқади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси бошқарма прокурори О.Эшқобиловга ўқаси

Мусурмон ЭШҚОБИЛОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради



Тузувчи: О. АБДУҒАНИЕВ